

633
и-69

133

А. ЙУЛДОШЕВ

ЖАВОХИРЛАЪЛ НЕРУ



А Йўлдошев

ЖАВОҲИРЛАҲЛ НЕРУ

Масъул мухаррир
ЎзССР ФА мухбир аъзоси М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ

— ТОШКЕНТ
УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
1989

Брошюрада ҳинд ҳалқининг кўзга кўринган давлат ва сиёсий арбоби, етук мутафаккири, файласуф ва тарихчиси, колониал тузумнинг ашаддий душмани, Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошичиларидан бири, тинчлик учун тоимас курашчи, Совет Иттилоғининг самимий дўсти, мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Жавоҳирлаъл Нерунинг кўп қирралли ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиниади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:
тарих фанлари номзоди Ф. САЛИМОВА,
филология фанлари номзоди Т. ХОЛМИРЗАЕВ

И 050303000—1
М355(04)—89 Рез. № 89
Узбекистон ССР
«Фан»
нашриёти, 1989 й.

ISBN 5—648—00670—5

АБДУМАННАП АБДУРАХМАНОВИЧ ЮЛДАШЕВ

ДЖАВАХАРЛАЛ НЕРУ

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

**Узбекистон ССР ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тасдиқланган**

Мұхаррир X. Зарипова
Рассом В. Александрова
Бадний мұхаррир А. Баҳромов
Техмұхаррир Н. Абдураҳмонова
Корректор М. Шамсұтдинова

ИБ № 5119

Теришга берилди 9.10.89. Босишга рухсат этилди 24.10.89 Р08945. Формат
84×108^{1/32}. Босмахона қозози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли
босма л. 3,15. Ҳисоб-нашриёт л. 3,2. Тиражи 3000. Заказ 223. Баҳоси 15 т.

УзССР «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
УзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький прос-
пекти, 79.

КИРИШ

Афсоналарда сув устидаги куррайи замин чайқалиб кетмаслиги учун унга тоғлар ўрнатилган дейилади. Бизнинг назаримизда бу тоғлар башарият ақылу заковати, унинг қалб қаъридаги бебаҳо бойликларни ўзида мужассамлантирган донишманд, олим ва фузалолардир.

Кўхна тарих гувоҳлик беришича, инсониятии буюк ақылу дониш кишиларгина тинч-тотув яшашга ундан, ўз жаҳолатининг қурбони бўлишдан сақлаб келганилар.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди, йирик давлат арбоби, миллий-озодлик ҳаракатининг етук раҳбари, тиичлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун фаол курашчи, ижтимоий адолатсизлик, миллий сипатманинг ашаддий душмани, Совет Иттилоқининг самимий дўсти Жавоҳирлаъл Неру жаҳон тарихидан ўчмас из қолдирган ана шундай сиймолардан биридир. У ўзининг илмий тадқиқотларида инсоният яратувчилик ва вайрои этиш кучига эга бўлгани ҳолда, ҳар бир кишининг вазифаси ижтимоий тараққиёт ва озодлик учун курашдан иборат деб кўрсатади. Жавоҳирлаъл Неру дунёқарашининг тинчликсеварликка чорловчи айни шу ғоялари унинг йирик сиёсий арбоб сифатидаги бутун фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топган. У фақат ҳинд халқининг мустамлакачилик сиёсати асоратидан озод бўлиши учун курашибгина қолмай, балки бутун жаҳонда халқаро кескинликни юмшатиш йўлида кураш олиб борди. Бошқа мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни ривожлантирди.

Жавоҳирлаъл Нерунинг илмий фаолияти уни жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигига танитди. Унинг йирик асарлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди. Шуниси эътиборники, Ж. Неру ўзининг қатор асарларида Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккир ва давлат арбоблари Муҳаммад иби Мусо Хоразмий, Абу Али иби Сино, Абу Райҳон Беруний, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг маданий меросини эъзозлаб.

улар ҳинд ҳалқи маданиятининг ривожланишига ўзига ҳое таъсир кўрсатганлигини қайд этди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 1986 ва 1988 йилларда Ҳиндистонга қилган сафарлари давомида Жавоҳирлаъл Нерунинг Ҳиндистон тарихида салмоқли ўрин эгаллаганлигини ва унинг совет-ҳинд дўстона муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига самарали таъсир кўрсатганлигини бир неча бор таъкидлади, уни «Совет-ҳинд дўстлигининг меъмори» деб атади.

1989 йил ҳинд ҳалқининг ажойиб фарзанди, мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Жавоҳирлаъл Неру таваллуд топганига бир аср тўлиши кенг миқёсда нишонланади. Бу буюк санани ҳинд ҳалқи билан биргаликда бутун тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги ҳам муносиб кутиб олади.

Совет Йиттифоқида ҳам ушбу қутлуғ кунга муносиб хозирлик кўрилаётганлиги қалбларимизни фурур ва ифтихор ҳисларига тўлдиради.

Москвада Ж. Неру туғилган кунига 100 йил тўлишини тантанали нишонлаш мақсадида маҳсус комитет тузилган.

1989 йил давомида Совет Йиттифоқининг турли шаҳарларида, жумладан, Тошкентда ҳам шу санага бағищлаб тантанали маросимлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур рисолада теран ақл-заковат соҳиби Жавоҳирлаъл Нерунинг ҳаёти ва фаолияти, дунёқарashi тўрисида муҳтасар маълумотлар келтирилди.

ЖАВОҲИРЛАЪЛ НЕРУНИНГ ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ ВА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Жавоҳирлаъл Неру 1889 йил 14 ноябрда Ҳиндистоннинг Олоҳобод шаҳрида дунёга келди. Унинг отаси Мотилал Неру (1861—1931) таниқли адвокат, йирик жамоат арбоби, Ҳиндистон Миллӣ Конгресси (ҲМҚ—1885) партиясининг ўнг лидерларидан бири бўлган. Ж. Неру ўз аждодлари ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар келтирган. Унинг сўзларига кўра уларнинг келиб чиқиши асли Қашмирдан бўлган. Жавоҳирлаъл қашмирикларнинг миллӣ анъаналари ва расм-русларини ардоқлаб, эҳтиёткорлик билан сақлаб келаётганликларини ҳурмат билан тилга олади.

Жавоҳирлаълнинг аждодларидан таниқли брахман Раж Каул санскрит, форс тили ва адабиётини яхши билган. Шу сабабли XVIII асрнинг охирида император Форруҳ Сиар уни Дехлига таклиф қилган ва кичик бир дарё бўйидан унга ер ажратиб берган. Ҳиндаларда кичик дарё ёки қанал Наҳр деб аталган. Маълумотларга кўра, Нерулар оиласи ана шу дарё бўйида яшаганлиги учун исламирига наҳр сўзи қўшиб айтилган, кейинчалик Каул исми ишлатилмасдан, наҳр сўзи «Неҳру»га айланниб кетган.

Каул-Неру хонадонидаги кишилар ишоятда қобилиятли ва истеъодли бўлганлар. Шу сабабли улар давлат идораларида улкан нуфузга эга бўлганлар. Мотилалнинг боболарида бири император саройида адвокат, яна бири Гангадхар Неру эса Дели полициясининг босшлиғи лавозимида ишлаган.

Жавоҳирлаъл отаси хонадонида кечган болалик йилларини хотирлар экан, уларнинг оиласида ҳинд ва мусулмон маданияти — удумлари, тили, кийим ва таомлари бирдек эъзозланган дейди. Сабаби, отаси Мотилал Неру ҳинд ҳалқи хоҳ ҳиндудиизм динида бўлсин, ёҳуд мусулмон ҳисоблансан уларнинг ватани, дарду алами, орзу-умидлари бир эканлингини яхши билган ва бу ҳақда оила аъзоларига ҳам кўп гапирган.

Бу хонадон диний урф-одатларга берилган бўлмаса

ҳам ҳиндуларнинг «Холи» (баҳор), «Дивали» (ёруғлик), мусулмонларнинг «Наврӯз» (янигъ йил) ва бошқа байрамлари оила аъзолари томонидан бирдек ишониландиган.

Мотилал Неру инглиз, форс, араб тилларини яхши билган, шеърлар ҳам ёзиб турган, техникага жуда қизиққан. 1900 йили у Оллоҳободдан кўп хонали, катта, чиройли уй сотиб олади. Уни асанд бхаваи, яъни шодлик макони деб атайдилар. Ҳақиқатан ҳам бу уй доимо одамлар билан гавжум бўлиб, унда ўйин-кулги аrimасди. Кейинчалик бу ҳашаматли уй ба чиройли ҳовли ўзининг баъзи қуляйликлари билан мустақиллик учун кураш маркази бўлиб қолади. У ватанинварар Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясига совға қилинади ва уни свараж бхаван — озодлик маскани деб атай бошлийдилар. Жавоҳирлаъл мана шуидай хонадонда ўсиб улгайди, характеристи ва хулқ-автори шаклланди, дунёқараши такомиллашди. Бу хонадонга олимлар, ёзувчилар, миллий-озодлик курашининг раҳбарлари тўпланардилар. Уларнинг сухбатлари ва фаолиятларини эшишиб, кузатган Жавоҳирлаъл шу муҳитда тобланди.

Үйдаги шарт-шароит ёш Жавоҳирлаълни цлмли киши бўлиб етишишга имконият яратди. У болалигиданоқ маълумотли кишилар тарбиясида бўлди, ўқиш ва ёзишни ўрганди. Инглиз тилини мукаммал билиши унга жаҳон илм ҳазинаси эшигини очди. Энди у Жюл Верн, Вольтер Скот, Гарберт Уэллс, Редьярд Киплинг сингари машҳур ёзувчилар асарларини қунт билан мутолаа қилди.

Ёшлигига Жавоҳирлаълга онаси Сварупрани ҳикоя, эртаклар айтиб берарди. Кўпинча «Махабхарата», «Рамаяна» каби қадимги ҳинд эпоси, сипоҳийлар қўзголони ва унинг қаҳрамонлари Тантя Топи ва Лакши Бой ҳақида сўзлаб берарди. У қунт билан тинглар, унинг кўз олдида қадимги Ҳиндистон тарихи гавдаланарди. Одатда Жавоҳирлаъл бирор нарсага ишонч ҳосил қилишдан олдин, «нима учун шундай?» саволига тўлиқ жавоб олиши истарди. У доимо ста-онаси, бувиси ва бошқаларга динга алоқадор саволлар берар ва бу саволларга ҳеч кимдан қониқарли жавоб ололмаганлиги сабабли ҳайрон бўларди. Шу сабабли Жавоҳирлаълда ёшлигиданоқ диний эътиқодга нисбатан ноаниқ тасаввур вужудга келди.

Келгусида ўқимишли киши бўлиб етишиш мақсадида у 1905 йил Англияга келади ва Лондон яқинидаги Хоррау мактаб-пансионатида, кейинчалик 1907 йилдан

бошлаб Кембриж университетида ўқийди. Бу ерда ўқиб юрган даврида у тарих, фалсафа, айниқса сиёсатга қизиқади. Илфор фикрли студентлар билан ўртоқлашади, Ҳиндистонда нашр қилинаётган адабиётлар билан мунтазам равишида танишиб боради. Шунингдек, уни Ҳиндистондаги сиёсий аҳбол ҳамда ирқий таҳқирланиш кўпроқ қизиқтиради. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, табиий фанлар бакалаври унвонини, сўнгра Иннер Темплда адвокат бўлиб ишлаш ҳуқуқини олади.

Жавоҳирлаънинг етти йиллик талабалик даври унинг характеристи ва дунёқарашининг шаклланишида катта роль ўйнади ҳамда уни Европа, биринчи навбатда Англия маданияти ва сиёсати билан таништириди.

Жавоҳирлаъл Англияда ўқиб юрган кезларида 1905—1908 йилларда Ҳиндистонда Тилак (1856—1920) бошчилигида инглиз мустамлакачиларига қарши миллий-озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. Кейинчалик бу ҳаракат раҳбарлари икки: «мўътадил» ва «экстремист» группаларга бўлинниб кетди. Мўътадиллар инглиз колонизаторлари билан биргаликда Тилак ва унинг намоёндалари қарши чиқдилар, шу сабабли бу ҳаракат тушкуиликка учради. Жавоҳирлаъл бу ҳодисаларни кузатиб бориб, бутун вужуди билан Тилак фаолиятини маъқуллади.

Жавоҳирлаъл 1912 йил кузида Ҳиндистонга келди. Бу вақтда Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг турғунлик даври, яъни экстремистларнинг енгилган даври бўлиб, фақат биринчи жаҳон уруши даврида Ҳиндистондаги антиимпериалистик кучлар бирлаштирилди.

Шу йилнинг ноябридан бошлаб Жавоҳирлаъл отасининг адвокатлик конторасида ишлади. Декабрь ойида биринчи марта Ҳиндистон Миллий Конгрессининг Бангипур сессиясида иштирок этди ва шу партияга аъзо бўлди. Бу вақтда унинг сиёсий қарашлари аниқ бир гояга бўйсундирилмаганди.

Жавоҳирлаъл ўзи яшаб турган ва инглизлар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндистоннинг оғир шароитига кўни-киш мумкин эмаслигини, бунинг учун маълум бир ҳужумкор, жанговар позицияни эгаллаш кераклигини тушунди. Лекин қайси позицияни? Кимлар билан? Кимга ишониц керак? каби саволлар унинг бутун фикрини қамраб олганди. У бу муаммоларга жавоб ахтарди. Шу мақсадда у турли тарихий, фалсафий, диний асарларни, айниқса, Б. Расселнинг «Диннинг моҳияти», «Озод кишининг ибодати» каби асарларини қайта-қайта

мутолаа қилди. Дунёда содир бўлаётган воқеаларни синичклаб ўрганди. Шу даврда империалистик давлатлар ўртасида низолар кучли бўлиб, жаҳон уруш арафасида эди.

Биринчи жаҳон уруши даврида Ҳиндистон колония сифатида урушга жалб қилинди. Жавоҳирлаъл Ҳиндистон мудофааси армиясига киришга ариза берди. У Оллоҳобод комитетининг рекрут (солдат) ликка ёллаш (бундай комитетлар шу йиллари Ҳиндистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида мавжуд бўлган) ишида қатнашди.

Табиийки, нега у мустамлакачиларга хизмат қила бошлади деган савол туғилади. Матъумки, Жавоҳирлаъл бошқа ҳаммаслаклари қатори, Ҳиндистонни озод ҳолда кўришни истарди. Аммо озодликни кўлга киритиш учун халқ ҳарбий жиҳатдан қай даражада тайёр эканлигини билиши керак эди. Биринчи жаҳон уруши билан боғлиқ ҳарбий ҳаракатлар — шу йиллардаги Жавоҳирлаъл фаолияти Ҳиндистон ёшларининг ҳарбий жиҳатдан тайёргарлик ҳолатини билишга имкон берарди ҳамда унинг ҳинд ёшлари орасида сиёсий фаолият олиб бориши учун имкон яратарди.

Тахминан бир ярим миллион ҳиндистонлик солдатлар Месопотамия, Сурия, Фаластин, Арабистон ярим ороли, Африка, Эрон, Афғонистонда жанг олиб бордилар. Бу урушда инглизлар Ҳиндистондан хом ашё базаси сифатида фойдаландилар.

Уруш йиллари Ҳиндистоннинг ҳарбий ҳаракатларга жалб қилиниши сабабли мустамлакачиларга қарши миллий-озодлик ҳаракати авж олмади. Аммо 1916 йил апрель ойида Тилак, сентябрда Анна Безант «Гомрул» (инглизча «хоум рул» сўзидан олинган бўлиб, ўз-ўзини бошқариш маъносини англатади) лигасини ташкил этдилар. Бу лиганинг асосий мақсади — инглиз империяси доирасида конституцион ўйл билан Ҳиндистонни ўз-ўзини бошқаришига эришишга қаратилган эди. Жавоҳирлаъл ҳам бу лигага аъзо бўлди. Кейинчалик Тилак ва Анна Безант қамоққа олинганларидан сўнг Мотилал Неру бу ҳаракатнинг раиси бўлди. Жавоҳирлаъл эса отасига ёрдамлашди.

Бу ҳаракатга инглиз ҳукумати дастлаб жиддий эътибор бермади. Лекин ишчи ва деҳқонлар бирлашган ҳолда конституцион талаблар билан бир қаторда маълум сиёсий шиорларни ҳам илгари сурғанларида улар мазкур ҳаракат намояндаларини таъқиб эта бошладилар. Натижада колонизаторлар билан ҳинд халқи ўтга-

сида тўқнашувлар юз берди. Бу ҳаракатлар аёвсиз ра-вишда қурол ёрдамида бостирилди.

1916 йил 8 февраль Жавоҳирлаъл ҳаётида унуглил-мас кун бўлди. У Қамола Қаул исмли Кашмир брахманинг қизига уйланди. Қамола гарчи мактабда таҳсил кўрмаган бўлса ҳам, оиласвий тарбияси юқори даражада бўлган. У ўқиши, ёзиши ҳамда инглизча сўзлашишни яхши билган. 1917 йил ноябрь ойида улар фарзанд кўрдилар. Уларнинг қизи Индира Ганди келгусида ота-си каби етук давлат арбоби бўлиб етишиб чиқди. У бир неча йил давомида мустақил Ҳиндистон давлатини бош-қарди.

1916 йил Лакнауда Ҳиндистон Миллий Конгресси-нинг 31-сессияси бўлди. Бу ерда Жавоҳирлаъл Мохандас Қарамчанд Ганди (1869—1948) билан танишди. Шу кундан бошлаб бу икки улуғ инсон ўртасида дўстлик мустаҳкамлана борди.

Маълумки, Ганди ғоялари Жавоҳирлаъл Неру сиёсий фаолиятига улкан таъсир кўрсатди. Ганди Жанубий Африкада узоқ муддат давомида муҳожирликда бўлиб, Ҳиндистонга қайтгач, Чампурана ва Қхеда шаҳарларида «Сатьяграха» — ҳақиқатга интилиш сиёсатини кенг авж олдирди. Бу куч ишлатмаган ҳолда плантаторлар-нинг золимлигига қарши курашга қаратилган сиёсат эди. Бу кураш методи Жавоҳирлаълни ўзига тортди ва унга завқ бағишлади.

Жавоҳирлаъл Ганди таълимотининг моҳиятини қўйи-дагича таърифлаган эди: «Ганди таълимоти бу янгилик эмас. Унинг ғояси инсон фикри пайдо бўлгандан бosh лаб, қадимдан мавжуд. Аммо Гандининг хизмати шунда эдики, у биринчи бўлиб уни кенг ҳалқ оммаси миқ-ёсида — сиёсий ва социал ҳаракатда амалий қўллади».

Ҳақиқатан ҳам гандизм ғояларининг илдизи — қадимги динлар: буддизм, хиндуизм, жайнизм, христианликка (гандизмнинг куч ишлатмаслик сиёсати — христианликдаги «ўлдирма» таълимоти асосида қурилган) бориб тақалади.

Иирик мутафаккирлар ва миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарлари: ҳиндистонлик Рамакришна ва Вивекананда, Тилак ва Ауробиндо Ғхош, инглиз Жон Рескин, америка файласуфи Р. Уолдо Эмерсон ва Генри Девид Торо кабиларнинг буржуа цивилизациясини инкор этувчи, қул меҳнатига асосланган деҳқонлар жамоасига қайтишни тарғиб этувчи ғоялари гандизм таълимотининг таркибий қисмини ташкил этган. Айни шу томонлари билан Ганди ва Лев Толстой фикрлари

бир-бирига ўхшаш бўлган. Улар хат ёзишиб турғанлар ва ўзаро фикр алмашганлар. Лев Толстойнинг «Қисқа-ча инжил», «Энди нима қилмоқ керак» асарлари Гандида катта таассурот қолдирган.

Қадимий маданият ўчоғи ҳисобланган, буюк тарихга эга бўлган Ҳиндистон узоқдаги бир орол қўлида таланаётгандигини кўриб Жавоҳирлаъл эзиларди. У инглиз мустамлакачилари дастидан ночор аҳволга тушиб қолган халқининг корхона ва плантацияларда калтакланишларини кўриб қаттиқ изтироб чекарди. У бутун ҳаётини мана шу бедодликка қарши курашишга, ўз халқини бу зулм занжиридан озод қилишга баҳш этди.

Биринчи жаҳон уруши қарам Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Ҳиндистонда ҳам миллий-озодлик ҳаракатининг кучайишига сабаб бўлди. Ҳиндистоннинг бир неча шаҳар ва қишлоқларида тез-тез норозилик чиқишилари бўлиб турди. Уруш йилларида бойиган ва ўзининг иқтисодий позицияларини мустаҳкамлаб олган ҳинд миллий буржуазияси ҳам умумиатиимпериалистик ҳаракатга қўшилди. Мамлакатда инқилобий кризис кучайиб борди.

Инглиз мустамлакачилари арзимас реформалар ҳамда полиция таъқибини янада кучайтириш орқали инқилобий портлашнинг олдини олишга ҳаракат қилдилар. 1919 йилнинг март ойида колониал ҳукумат мамлакатда полиция таъқибини янада кучайтиришга қаратилган «Роулетта қонуни»ни эълон қилди. Лекин бу қонуннинг эълон қилиниши мустамлакачиларга қарши янги инқилобий ҳаракатларни бошлишга туртки бўлиб хизмат қўлди.

Курашни биринчи бўлиб Бомбей тўқимачилари бошлаб бердилар. Улар 125 мингдан зиёд киши иштирок этган норозилик намойишини ташкил қилдилар.

Мамлакатда авж олиб кетган миллий-озодлик ҳаракатига Ҳиндистон аҳолисининг турли табақалари қўшилдилар. Октябрь инқилоби Ҳиндистон миллий буржуазиясининг энг нуфузли сиёсий ташкилоти — Ҳиндистон Миллий Конгрессининг фаолиятига катта таъсир кўрсатди. Бир томондан ҳинд буржуазияси ва инглиз империалистлари ўртасидаги кескинликнинг кучайиб кетиши, иккинчидан, рус революцияси натижасида ҳалқ оммаси активлигининг ошиб бориши ҲМК раҳбарлари ни мамлакат озодлиги учун янада активроқ курашишга чорлади.

Октябрь инқилобидан кейин дастлабки йилларда ёқ Ҳиндистоннинг кўзга кўринган йирик сиёсий арбоблари

ва мутафаккирларидан Бал Гангадхар Тилак, Бипин Чандра Пал, Лала Лажпат Рай, Мохандас Карамчанд Ганди ҳамда эндигина сиёсий фаолиятини бошлаган Жавоҳирлаъл Неру ва бошқалар Совет Россиясида юз берган муҳим ўзгаришлар ҳақида илиқ фикрлар билдириши.

«Менинг ҳеч шубҳам йўқки,— деб ёзган эди Жавоҳирлаъл,— совет инқилоби кишилий жамиятини анча илгарилатиб юборди ва ҳеч қачон ўчириб бўлмайдиган ёрқин нур ёқди. У янги цивилизацияга пойдевор қурди ва бу йўлдан бутун дунё халқлари бориши мумкин».

Улуг Октябрь инқилобининг моҳияти, кучи ва мазлум халқларга таъсири ҳақида у қўйидагиларни ёзган эди: «Улуг Ленин раҳбарлигида амалга оширилган Октябрь инқилоби билан бир пайтда биз ҳиндистонликлар ҳам миллӣ-озодлик ҳаракатимиз йўлида янги босқичга қадам қўйдик. Халқимиз бир неча йиллар давомида зулм ва истибдодга мардларча бардош берниб келди. Гарчанд, биз Махатма Ганди раҳбарлигида Ленин йўлидан фарқ қиласидиган йўлдан кураш олиб борган бўлсак ҳам, Ленинга тасанно айтдик ва унинг изидан эргашдик».

1919 йил февралда Мотилал Неру Оллоҳободда ўз ҳисобидан «Озодлик» газетасини чиқара бошлади. Шу газетанинг раҳбарларидан бири Жавоҳирлаъл Неру эди. Ота-бона Неруларнинг газетада босилган колониал тузумга қарши публицистик мақолалари халқ оммаси орасида кенг тарқалди. Лекин 1923 йил газета ўз фаолиятини тутатишга мажбур бўлди. Бунга газетани чоп этиш учун етарли маблаг этишмаслиги, Ҳиндистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида ота-боланинг халқ оммасини колониал тузумга қарши курашга чорлашлари, сиёсий тарғибот ишларини олиб боришлари ҳамда қамоққа олинишлари сабаб бўлди.

1920 йил декабрида Жавоҳирлаъл ҲМҚ нинг Нагпур шаҳридаги сессиясида қатнашди ва Гандининг инглизлар билан ҳамкорлик қиласмаслик сиёсатини қўллаб-қувватлади. У 1921 йил декабрь ойида Оллоҳободда конгресс ғояларини тарғиб қиласидиган учун илк бор қамоққа олинди.

1922 йил апрелда Жавоҳирлаъл маҳаллий саноатни ривожлантириш компаниясини ташкил этди. Маҳаллий савдо ходимлари билан келишиб, Кхади (қўлда тўқилган либосларни кийиш) ҳаракатини ташвиқот қилди. Натижада ҳинд халқи инглизлар томонидан ташиб кетилган ўз хом ашёларидан ишланган ва ўзларига бир

нече баробар құмматға сотилаётган инглиз молларини ёндира бошладилар. Саросимага тушган инглиз мұстам-лакачилари Жавохирлаълни ҳібсга олдилар ва Лакнау қамоқхонасига ташладилар.

Аваҳтада унинг бирдан-бир овунчоги китоб бўлди. Айниқса, уни тарихий адабиётлар қизиқтириди. Ўтмиш сабоқларини ўрганиш билан у келажакни билишга интилди. Бу ерда Малесоннинг «Сипоҳийлар қўзғолони», Венсента Смитнинг «Ҳиндистон тарихининг бошланғич даври», Герберт Уэллснинг «Инсониятнинг қисқача тарихи», Д. М. Кейнснинг «Француз революцияси» сингари икки юздан ортиқ китобларни ўқиди. Бу китоблардан олган кўчирма цитаталар асосида «Орийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги» номли тарихий очеркини ёзди. Кейинчалик бу цитаталар «Дунё тарихига назар», «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Автобиография» каби асарларини ёзилишида манба бўлиб хизмат қилди.

Қамоқда яна у Р. Тагор, В. Шекспир, Б. Шоуларнинг шеър ва прозалари, В. Гюго романлари, Умар Хайём рубоийлари, Байрон, Шелли поэзиялари, Тургеневнинг «Рудин», Лев Толстойнинг «Анна Каренина» каби асарлари билан танишади.

Қамоқдан озод бўлгач, Жавохирлаъл раҳбарлигига конгрессчилар қўшма провинцияларда конгресс фондига маблағ йигадилар, «кхади» ҳаракатини тарғиб қиласидилар. Айниқса, Жавохирлаъл Неру конгресс сафини жипслаштиришга катта эътибор беради.

1923 йил апрелда Оллоҳобод муниципал советининг йиғилишида Жавохирлаъл шаҳар муниципалитетининг раиси қилиб тайинланади.

У миллий-озодлик ҳаракатининг турли уюшмаларida — хоҳ диний, хоҳ сиёсий уюшма бўлишидан қатъи назар иштирок этади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Шу йили сентябрь ойида Муктасар шаҳрида «Акали» (сикхлар диний сектасининг номи, бу ҳаракат 20-йилларда антиколониал характерда бўлган) ҳаракатини ёқлаб уни тарғиб қиласиди. Жанто, Набха князлигига халқнинг колониал ҳокимиятга қарши ҳаракатида қатнашади. Натижада учинчи марта қамоққа олинади.

1923 йил декабрда ҲМҚ нинг секретарларидан бири бўлиб сайланади. Бир йилдан сўнг бош секретарь қилиб тайинланади. Шу йиллари инглизларнинг диний ва миллий адоват ўтини ёқишига қаратилган низолари туфайли ўзаро урушлар келиб чиқди. Уч йил ичидаги 70 марта ҳинду ва мусулмонлар ўртасида қонли тўқна-

шувлар бўлиб ўтди. Жавоҳирлаъл шу йиллари халқ орасида юриб тушунтириш ишлари олиб борди.

1926 йил март ойида соғлиғи ёмонлашган Камолани даволатиш мақсадида Швейцарияга келади. 1927 йил Берлинда Вирандранат Чаттопадхъяя (Чатто — илмий коммунизм ўйини тутган, III Интернационал билан алокада бўлган инқилобчи) билан танишади.


Чатто маслаҳати билан Жавоҳирлаъл мустамлака халқарининг Брюссель Конгрессида Ҳиндистон Миллий Конгрессининг вакили сифатида иштирок этади. У бу конгрессда сўзга чиқиб Ҳиндистон миллий озодлик курашини бутун дунё прогрессив кучи бўлган антиимпериалистик ҳаракат билан борглади. Конгресс қатнашчилари Ҳиндистонни озод этилишини маъқуллайдилар. Жавоҳирлаъл ана шу антиимпериалистик Лиганинг президентларидан бири ва ижроия комитетнинг аъзоси килиб сайланади.

Брюссель Конгрессида Жавоҳирлаъл хитой коммунистлари ва гоминданчилари, инглиз коммунисти Гарри Поллитон, Вьетнам миллий-озодлик ҳаракатининг аъзоси Хо Ши Мин ва бошқа прогрессив фикрдаги кишилар билан учрашади ва суҳбатлашади. У конгресснинг бориши, унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳақида маълумот бериш билан чегараланиб қолмасдан, балки жаҳонда мавжуд турли сиёсий кучларнинг ривожланиши ҳақида ҳам чуқур фикр юритади.

Жавоҳирлаъл тор миллатчилик доирасидан чиқа олмаган таълимотларни танқид қилиб мустамлакачиликка ва империалистик урушларга қарши курашда Осиё ва Африка мамлакатлари биргаликда ҳаракат қилмоқликлари даркорлигини, халқаро бирдамлик анжумани тузиш лозимлигини уқтиради. У Ҳиндистон мустақиллигини қўлга киритганимиздан сўнггина бутун кучимизни дунёда тинчлик ўрнатиш учун сарф қиласиз, дейди. Бу ишда барча мазлум халқларнинг ишончли дўсти бўлган Совет Иттифоқи билан дўстлик алоқасини ривожлантирамиз деган холосага келади. Кейинчалик ўзининг бу эзгу мақсадини амалга оширади.

1927 йил октяброда ота-бала Нерулар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллик юбилей байрамида иштирок этиш учун СССРга таклиф қилинадилар. Бу сафар Жавоҳирлаъл сиёсий дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир қиласиди. Айниқса, маориф, миллий иқтисодий масалаларда эришилган ютуқлар уни ҳайратда қолдиради. Чунки бу масалалар ҳиндистонликларни ҳам қизиқтиради. У барча миллат

вакилларининг ҳаёт тарзини кузатади, бу халқ намояндалари билан суҳбатлашади, айниқса, хотин-қизларнинг эркаклар билан ёнма-ён туриб янги ҳаёт қураётганликлари, уларнинг юқори давлат лавозимларида ишләётганликларини кўриб қувонади.



1-расм. Ҳиндистон республикасининг Бош министри Жавоҳирлаъл Неру В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўймоқда.

Энди у дунёни бир миллат иккинчи миллат устидан ҳукмронлик қилиши асосида эмас, балки сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил, озод миллат ва халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик бўлиши ҳақидаги таассурот билан яшади. Қандай бўлмасин мустақил Ҳиндистон давлатини барпо этиш Жавоҳирлаълнинг бирдан-бир орзуси бўлиб қолди. Социал озодликка, давлат ва

социалистик жамиятга эришмай туриб, ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир киши мустақил ривожлана олмайды, деган хуросага келди.

1927 йил охирларида Ҳиндистон ишчиларининг уюшган чиқишлари бўлди. Унда Мадрас металлурглари, нефтчилари, Бомбей тўқимачилари, темир йўлчилари қатнашдилар. Уларниң касаба союзларида сўл революцион қанот вужудга келиб, унда коммунистларниң роли катта бўлган. Деҳқонлар ҳам ўз кучларини бирластиришга интилдилар: деҳқонларнинг биринчи итифоқлари — «кисан—сабҳа» фаол иш юрита бошлади. Юқори поғонага мансуб конгрессчиларниң журъатсизлик билан олиб борган муросасозлигидан кўнгли ранжиган студент ёшлар ҳам ғалаён кўтардилар. Инглиз ҳукумати хўжакўрсинга ҳинд халқи тақдири ҳақида ғамхўрлик қилаётгандек бўлниб кўриниш ва шу билан мамлакатда инглизларга қарши кучайиб бораётган оммавий халқ чиқишларини кучсизлантириш мақсадида Ҳиндистонга Саймон бошчилигидаги комиссияни жўнатди. Бу комиссия зиммасига зоҳирان Ҳиндистондаги идора этиш системасини назорат қилиш юклатилган эди.

Мадрасда Жавоҳирлаъл конгрессниң навбатдаги сессиясида иштирок этади. Сессияда икки сиёсий компания: Саймон комиссиясини бойкот қилиш ва партияларо бўлғувчи Ҳиндистон қонституциясининг асосий принципларини ишлаб чиқиш учун конференция чақириш вазифалари асосий мақсад қилиб қўйилганди. У сессияда Ҳиндистонга тўла мустақиллик берилиши ҳақида сўзлайди. Конгресс делегатлари уни бир овоздан маъқуллайдилар. Ганди бу резолюцияни шошмашошарлик деб қарши чиқади. Мадрас сессияси Жавоҳирлаълни Конгрессниң бош секретари қилиб тайинлайди. У келишмовчиликлар бўлишига қарамай, Конгрессни мамлакатда энг уюшган ва обрўли сиёсий куч деб билади.

Жавоҳирлаъл секретарь сифатида бу иккала компанияни ҳам қўллаб-қувватлайди. Бироқ у «қоғозда қонституция» ишлаб чиқишдан кўра, ҳокимиётни қўлга киритиш вазифаси асосийроқ эканлигини яхши тушунарди. Жавоҳирлаъл бўлажак қонституцияга демократик республика эълон қилиниши ҳақидаги моддани кирита олмагач ва конгресс раҳбарларининг аҳолининг тараққийпарвар ижтимоий кучларига таянимасдан, балки йирик ер эгалари билан ҳамкорлик қилаётганини кўриб, Конгрессниң бош секретарлик лавозимидан озод этишларини илтимос қиласди.

Конгрессда бирор-бир ижобий ўзгаришга эришишга кўзи етмаган Жавоҳирлаъл Субхас Чандра Бос билан ҳамкорликда янги сиёсий партия — «Ҳиндистон озодлик лигаси»ни тузади. ҲМК раҳбарлари унинг истеъфога чиқиш ҳақидаги илтимосини қондирмайдилар ва Конгресснинг сиёсатига қаршилик кўрсатмагани ҳолда ўзи ташкил этган лигада фаолият юргизишига рухсат берадилар.

У лигани бутун мамлакатни бирлаштирадиган ва озодлик ҳамда социализм ғояларини ташвиқот қиласидиган ташкилотга айлантиришга интилади.

1928—1929 йилларда Жавоҳирлаъл Ҳиндистон бўйлаб кезади, ишчи ва деҳқонлар орасида мустақил бўлиш ҳақида ташвиқот юритади. Унинг равон, ишончли, кенг халқ оммасига тушунарли сиёсий маърузаларида социализм ғоялари ҳам мавжуд эди. У ўзининг дадил фикрлари билан тарқоқ ишчи, деҳқон ва ҳунармандларни бирлаштиришга ҳаракат қиласиди. Бу Жавоҳирлаълнинг жасур, истеъоддли ташкилотчи ва уддабурон раҳбар бўлганлигидан далолат беради.

1929 йил сентябрда Жавоҳирлаъл Конгресс раиси қилиб сайланади. Декабрда ҲМК нинг Лоҳар сессиясида Жавоҳирлаъл раҳбарлигига Ҳиндистон гражданларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши бўйсунмаслик компанияси ташкил қилинади. Бу компаниянинг биринчи тадбири сифатида 26 январь Ҳиндистоннинг мустақиллик куни деб эълон қилинади. Ҳар йилнинг шу куни Ҳиндистон халқи инглиз ҳукуматига қарши курашишга қасамёд қилишлари керак эди.

1930 йилнинг 26 январь куни Ҳиндистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида стихияли тарзда юзлаб митинг ва намойишлар бўлиб ўтади. Ҳиндистоннинг ҳамма ерида ҳинд гражданларининг бўйсунмаслик ҳаракати авж олади. Жавоҳирлаъл асрлар давомида диний урф-одатларга берилиб кетган итоатгўй халқнинг уйғонишини кўриб: «Тараққийпарварлик ғоялари асрлар давомида тинч уйқуда бўлган халқнинг онгини қўзғатди», — дея фууруланиб сўзлаган эди.

Ганди гражданларнинг бўйсунмаслик ҳаракатини инглизларнинг туз монополияси қонунини бузиш билан бошлишни таклиф этади. Жавоҳирлаъл унинг бу фикрини мустақиллик учун курашнинг тугал бўлмаган шакли деб тушунади. Инглиз ҳокимияти гражданларнинг бўйсунмаслик ҳаракатини турли йўллар билан тўхтатиш учун барча хийла-найрангларни ишга солади, халқ уларга итоат қилмаганлигидан сўнг мамлакат аҳо-

лисими қамоққа ола бошлайди ҳамда кенг халқ оммаси орасида кундан-кунга обрў-эътибори ортиб бораётган Жавоҳирлаъни таъқиб қила бошлайди.

Жавоҳирлаъл шу кунлари мамлакатни кезиб, митинглар ўтказади ва халқни инглиз мустамлакачилари га қарши курашга чорлайди. Биринчи апрелдан тўртингчи апрелгача бир неча митингда сўзга чиқади. Бу ҳаракатда ҳинд аёлларининг, айниқса Жавоҳирлаълининг онаси, хотини ва сингилларининг иштирок этишлари уни ҳайратга солади.

1930 йил 14 апрелда ҳаракатнинг актив иштирокчи-си сифатида Жавоҳирлаъл, май ва июль ойларида эса ҲМК нинг барча раҳбарлари қамоққа олинди. Лекин халқ норозилиги давом этаверди. Ҳукумат мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилиш, Конгресс партияси ва унинг халқ оммаси орасида катта обрўга эга эканлигини ҳисобга олиб, халқ ҳаракатининг кучайиб кетишини олдини олиш мақсадида Миллий Конгресс раҳбарларини қамоқдан озод этиди ҳамда улар билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Бу сулҳга биноан Конгрессчилар агар истасалар Ҳиндистон Британия империяси составидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар ва гражданларнинг бўйсунмаслик ҳаракатини тўхтатишлири ҳамда Лондонда «айланма стол конференцияси»да иштирок этиш учун ўз вакилини юборишилари мумкин эди. Инглиз ҳукумати эса, ўз навбатида, мамлакатда фавқулодда ҳолатни бекор қилиш ва барча сиёсий маҳбусларни қамоқдан озод этиш вазифасини ўз зиммасига олди.

Жавоҳирлаъл бу сулҳга қарши чиқди. Кейинчалик ҳукумат ўз вазифасини ижро этишда маълум сулҳ шартларидан бош тортиди. 1936 йилнинг октябринда Жавоҳирлаъл Лакнауда бўлиб ўтган дехқонлар конференциясида қатнашди ва уларни ижара ҳақи, ер солиқларини тўламасликка чақириди. 14 ноябрда у ҳукуматга қарши иғвогарлиқда айбланиб, туғилган кунида қамоққа олинди. Бу хабарни эшитган Мотилал Газабланиб, норозилик кампаниясини уюштиради. Шу куни бутун Ҳиндистонда митинглар бўлиб ўтди. Жавоҳирлаъл номи унинг севган миллионлаб ҳинд халқи тилида янгради.

Жавоҳирлаъл қамоқда туриб қизи Индира билан хат ёзишиб туриш учун инглиз маъмурларидан рухсат сўрайди. У қизига 170 дан ортиқ хат ёзади. Хатларида мамлакатда юз бераётган сиёсий воқеаларни чукур таҳлил қилади, жаҳон тарихидан қиёсий мисоллар келтиради ва жаҳон ўтмиш мадданиятининг етук донишманлари ҳақида фикр юритади. Бу хатлар Индира

Гандининг сиёсий онгини шакллантириб, маданий савиясини ўстирибгина қолмай, Жавоҳирлаъл Нерунинг машҳур «Дунё тарихига назар» китобининг ёзилишига асос бўлди¹.

1930 йилларда ва ундан кейин ҳам Жавоҳирлаъл Неру дунёқараши буржуа демократик-реформистик концепсияси таъсиридан холи эмас эди. Бу ўринда қизи Индира Ганди кейинчалик шундай деган эди: «Жавоҳирлаъл Неру дунёқараши ёлғиз бир идеологик доктрина га асосланмаганди. Унинг дунёқараши эклектик тарзда бўлган. Шу тариқа марксизм-ленинизм гоялари унга таъсир этган. «Дунё тарихига назар» китоби Неру фикрларининг чуқур ва қизиқарлилиги, тарихнинг ахамиятли томонлари усталик билан ёритилганлиги ҳамда марксизм-ленинизм гояларидан холи бўлмаганлиги билан замондошларини ўзига жалб қиласиди. Жавоҳирлаъл фикрига кўра дунёда содир бўлаётган ўзгаришларни марксист авторлар объектив равишда таҳлил қиласидилар». Жавоҳирлаълнинг қизига ёзган мактубларидан унинг эксплуатациянинг барча шаклларига қарши эканлиги сезилади. У Ҳиндистон халқининг инглиз империализмига қарши курашини бутун жаҳон халқларининг озодлик учун олиб бораётган курашининг бир бўлаги деб тушунади.

1931 йил 26 январь, яъни Ҳиндистоннинг мустақиллик куни яқинлашгани сари ҳинд халқининг озодлик сари кураши кучайиб борди. Бу қаршиликларнинг олдини олиш мақсадида инглиз ҳукумати ҲМҚ аъзоларини қамоқдан озод этди.

1931 йил 6 февраль куни Мотилал Неру вафот этди. Жавоҳирлаъл ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи, дардкашидан жудо бўлди. Конгресснинг уч хил рангли байроғига ўралган тобут Ганг дарёси бўйига олиб келинди. Минглаб халқ бу маросимда иштирок этди.

1931 йил март ойида Ганди Деҳли пактига ёки Ганди-Ирвин пакти деб аталувчи битимга имзо чекди. Унга кўра Конгрессчилар гражданларнинг бўйсунмаслик ҳаракатларини умуман тўхтатишлари ва Англияда «айланма стол» конференциясида қатнашиш учун ўз намояндаларини юборишлари керак эди.

Инглиз ҳокимиюти мамлакатдаги ҳарбий ҳолатни бекор қилиш, халқни жазолашни тугатиш, деҳқонлардни тортиб олинган ерларни ўз эгаларига қайтариб берини

¹ Бу китоб кўп тилларда, СССРда рус тилида 1975, 1981, 1989 йиллари уч жилдда нашр этилган.

каби вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олди. Бошқа ҳинд ватанпарварлари каби Жавоҳирлаъл ҳам бу битимга тамоман қарши бўлишига қарамай, партия қарорига бўйсунишга мажбур бўлди.

Шу йилнинг май ойида Корачи шаҳрида Конгрессинг навбатдаги сессияси очилди. Унда иккита резолюция: биринчиси — Ганди-Ирвин пактини тасдиқлаш, иккинчиси — Жавоҳирлаъл тайёрлаган резолюция бўлиб, унга кўра Ҳиндистон халқига умумдемократик эркинлик бериш, диний тафовутларга чек қўйиш каби янги асосий пункт киритилди. Бу пункт Жавоҳирлаъл томонидан «социализм томон қўйилган кичик бир қадам» деб номланди. Унга биноан, давлатга саноатнинг асосий тармоқларини ва табиий бойликларини назорат қилиш ҳуқуқи берилиши керак эди. Сессия делегатлари «пурна свараж» — тўла мустақилликка эришиш талаби билан бирга, Ҳиндистон Миллий Конгрессининг делегатини Лондонда иккинчи марта «айланма стол конференцияси»да қатнашишига розилик билдирилар. Унга вакил қилиб Ганди номзодини кўрсатдилар.

Ганди Англияда «айланма стол конференцияси»да сулҳ олиб бораётган вақтида инглизлар Деҳли пакти шартларини буздилар. Солиқларни оширилар, тўламаганларни ўз уйларидан ҳайдадилар, мол-мулкларини мусодара қилдилар. Бу ерда инглизлар турли восита ва хийлалар ишлатиб конференция ишини майдада ҳамда иккиламчи масалаларга қаратишга уриндилар. Натижада Гандининг Ҳиндистоннинг мустақиллигига доир барча уринишлари зое кетди.

Хукумат Ганди Ҳиндистонга қайтиб келиши билан бу ерда яна ғалаёнлар бошланади деб, Конгресс раҳбарларининг мамлакат бўйлаб юришларини ман этди ва янги қарорлар эълон қилди.

Жавоҳирлаъл ва бошқа конгрессчилар бу қарорларни бузганликлари учун ҳибсга олинадилар. Уларга қарашли уй-жойлар мусодара қилинади. Хуллас, Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатига алоқадор бўлган барча сиёсий марказлар йўқ қилинади.

Шу йилларда капиталистик мамлакатларда давом этаётган иқтисодий кризис, иккинчи жаҳон уруши хавфи Ҳиндистон озодлиги учун кураш Программасини тезда ҳал бўлишини талаб қиласди.

Хуллас, 30-йиллардаги Ҳиндистондаги кураш ҳинд жамоатчилигининг барча табакаларини уйғотди. Ишчинларнинг иш ташлашлари, деҳқонларнинг норозиликлари, майдада йирик мулк эгаларининг чиқишлиари, миллий бур-

жуазиянинг норозилиги — уларни озодлик сари бирлаштириди ҳамда шиддатли антиколониал ҳаракат ўз атрофига турли синфий манфаатдаги кишиларни жислаштириди.

Ганди вақтинча сиёсий ҳаракатларни тўхтатиб туришни маслаҳат берса ҳам Жавоҳирлаъл бунга қарши ўлароқ Конгресс ўз ишини давом эттираверишини талаб қилди. У ҳарқандай сиёсий ҳаракат ман этилганига қарамай ватандошларини 1934 йил мустақиллик кунини нишонлашга чақириди. У шу йили Камолани даволатиши ҳамда Индира Гандини ўқитиш мақсадида оиласи билан Қалькуттага, Р. Тагор олдига келади.

Тагор Жавоҳирлаъл оиласини катта эҳтиром ва меҳрибонлик билан кутиб олади. У оддий ҳинд миллий кийимида бўлиб, боқищлари маъноли нуроний қария эди. Тагор меҳмонларни университет хоналари, лабораториялари, заллари ва боғи билан таништиради, муаллимлари билан учраштиради. Бу илм ва одоб даргоҳини келгуси режалари тўғрисида уларга фахр билан сўзлаб беради. Шантиникетан университетида замонавий дарслар ўқитилганлиги учун ҳам бу илм даргоҳи йирик сиёсий, давлат ва жамоат арбобларини, фан, маданият, санъат соҳасидаги машҳур кишиларни етказиб берарди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу университет ўқитувчилари ва талабалари атрофдаги қишлоқлар аҳолиси орасида маърифат тарқатиш ишларини ҳам фаол олиб борардилар. 16 ёшли Индира шу университетнинг талабаси бўлди. Неру Қалькуттадан хурсанд, Р. Тагор билан бўлган сұҳбатлардан мамнун бўлиб қайтди. Лекин бу вақти чоғлик яқинлашиб келаётган Озодлик кунини нишонлаш фикри билан ўрин алмашди. Шу куни шаҳар ва қишлоқларда митинг, намойишлар бўлиб ўтди. Бу ҳаракатга фаол қатнашган Жавоҳирлаълни февраль ойида полиция ҳибсга олди ва 2 йил муддатга Қалькутта яқинидаги Алипур қамоқхонасига ташлади.

У қамоқда ўзининг автобиографик асарини ёза бошлиди ва 1935 йили уни тугатди. Жавоҳирлаълнинг бу китоби ўнлаб турли миллат тилларига таржима қилинди. У Ҳиндистоннинг янги тарихини ўрганишда асосий манба бўлди. Бу асар ҳақида инглиз матбуоти «Бу китобни ўқимай Ҳиндистоннинг кейинги 15 йиллик тарихини билиб бўлмайди», — деб ёзган эди.

Бу асарда Жавоҳирлаълнинг кейинги йиллар давомида олиб борган фаолияти тажрибаси умумлаштирилган. Ўз «Автобиография»сида Жавоҳирлаъл Маркс ва

Ленин асарларига мурожаат этади, уларнинг ғояларини Ҳиндистоннинг сиёсий кураши билан боғлади, Ганди-нинг куч ишлатмаслик сиёсатини таҳлил қиласди, Ҳиндистондаги социал-иқтисодий ва диний-ижтимоий масалаларга баҳо беради. Империализмнинг кирдикорлари ни очиб ташлайди, Фарб демократиясининг иккюзла-мачилиги ва риёкорлиги устидан кулади. Бу китоб 1955 йил ССРДа «Автобиография» номи билан рус тилида нашр этилади.

1935 йил 4 сентябрда Жавоҳирлаълни Камоланинг соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли қамоқдан озод қиласдилар. 1936 йил 28 февраляда Камола вафот этади. Камола ижтимоий адолатсизлик, миллий камситишнинг ашаддий душмани, демократия, тараққиёт ва тинчлик учун толмас курашчи эди. Унинг қўлида эса фақат севикли хотинининг жасад кули солинган қутичагина қолди, холос. У бу қутичани севикли рафиқасига бўлган чексиз муҳаббати ва Камоладан ёрқин хотира сифатида умрининг охирига қадар сақлади.

Европадан Ҳиндистонга келиши биланоқ Жавоҳирлаъл Ганди, Р. Прасад, А. К. Озод ва бошқа конгресс раҳбарлари билан учрашади. Ички сиёсий аҳвол билан танишади.

Мустамлакачилик сиёсатидан кўп азоб-уқубат чеккан ҳинд ишчи-деҳқон ва зиёлилари кураш усусларини ўзgartиришни талаб қиласдилар. Улар талаб қилган янги кураш усуслари кўп жиҳатдан социалистик кураш формаларига яқин эди. Шу сабабли ҲМК да конгресс-социалистик партияси вужудга келади. Лекин бу партия аъзоларининг маълум қисми ҳақиқий социалистлар бўлиб, кўпчилик қисми эса сўл миллый-реформизм тарафдорлари эди. Кейинчалик конгресс-социалистик партияning кўпчилик аъзолари илмий социализм гоясини маъқуллаб Ҳиндистон Коммунистик партияси (1925 йил ташкил топган) сафига кирадилар. «Конгресснинг социалистик ва Ҳиндистон коммунистик партиялари орасида шундай гоявий яқинлик мавжуд эдик, уларни якка марксистик партияга бирлаштиришга уринишлар ҳам бўлганди»,— деган эди мамлакатнинг кўзга кўринган коммунистик ҳаракат арбобларидан бири Ш. С. Сардесаи. Лекин мамлакатдаги реакцион кучлар халқни «коммунизм хавфи» билан қўрқитиши натижасида бундай бирлашиш юз бермади.

1936 йил апрелда Лакнау шаҳрида ҲМК нинг навбатдаги сессияси, декабрь ойида эса Файзипур шаҳрида 50-сессияси бўлиб ўтди. Унда Жавоҳирлаъл яна қайтадан конгресснинг раиси қилиб тайинланди.

1938 йилда Жавоҳирлаъл ташаббуси билан Ҳиндистон миллий экономикасини планлаштириш комитети ташкил этилди ва унга ўзи раислик қилди.



2-расм. Ўзбек колхозчилари Ж. Неруга ўзбек миллий кийими ни тақдим этмоқдалар.

Англия иккинчи жаҳон урушига қатнашиши билан Ҳиндистонни ҳам урушаётган давлат деб эълон қиласди. Жавоҳирлаъл бунга жавобан резолюция тузади: «Биз фашизмга қарши урушишини хоҳламаймиз, лекин империализм бизни эксплуатация қилишига йўл қўймаймиз. Бизни ҳеч ким ташқаридан туриб урушга мажбур этолмайди. Ҳиндистон фақат озод мамлакат бўлган тақдирдагина Англиянинг фашизмга қарши курашини қўллаб-куватладайди»,— дейди. ҲМҚ Жавоҳирлаъл фикрини маъқуллайди ва фашизм агрессиясини қоралайди. Яна шунингдек «Ҳиндистоннинг урушда қатнашиши ёки қатнашмаслиги масаласини ҳинд халқининг ўзи ҳал қилиши керак, четдан ҳеч бир мамлакат уни урушда қатнашишга мажбур қила олмайди. Ҳинд халқи ўз табиий

бойликларини империалистик мамлакатларнинг ўз мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўймайди»,— дейилади. Бироқ, Буюк Британия ҳукумати ҲМК нинг бу резолюцияси билан ҳисоблашмай биринчи жаҳон уруши йилларида бўлгани каби ҳинд армияси ва моддий ресурсларидан кенг миқёсда фойдаланишга ҳаракат қилди. Мадрас ва Бомбей шаҳарларида 90 минглик ишчиларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Улар ҳокимиятни маҳаллий халқ қўлига берилишини талаб қилдилар. Инглизлар халқ норозилигини бостириш мақсадида урушдан кейин бутун сиёсий партия вакиллари, диний жамоа ва ҳинд князликларининг конференциясини чақириш, унда Ҳиндистоннинг янги конституциясини ишлаб чиқиши ҳақида қуруқ ваъдалар бердилар.

1940 йилда инглиз ҳукумати мустамлакачилик сиёсатига қарши курашётганлар сафини бўлиб ташлаш мақсадида миллий ва диний адоват қўзғатувчи фаолият юргиза бошлади. Уларнинг бу сиёсати натижасида ҲМК ва Муҳаммад Али Жинна (1876—1948) бошлиқ «мусулмонлар лигаси» ўртасида келишмовчилик кучайди. Жумладан, Жинна Ҳиндистон субконтинентида алоҳида мусулмон «Покистон» давлатини барпо этиш планини тарғиб қилди.

1940 йил фашист Германиясининг қўшинлари Франция, Бельгия ва Голландия териториясига бостириб киргандаридан сўнг Чемберлен ҳукумати истеъфога чиқди. Давлат Уинстон Черчилль қўлига ўтади. Баъзи конгрессчилар ана энди Ҳиндистонга мустақиллик берилишини талаб қилиш вақти етди, деб бу янги ҳукуматга умид боғладилар. Бироқ Жавоҳирлаъл Черчиллнинг: «Англия ўз империясининг бир қисми бўлган Ҳиндистондан ажралса, унда улуғ мамлакат бўлмай қолади»,— деган гапини яхши эслаб қолгани учун бу орзуларнинг амалга ошмаслигини яхши тушуниди. Ҳиндистон мустақиллиги учун бўлаётган ҳаракат янада кучаяётганлигини кўрган Англия ҳукумати Ҳиндистондаги барча сиёсий партия ва ўюшмаларнинг фаолиятига қарши чиқди, уларни таъқиб қилди. Шундай бўлишига қарамай Конгресс кенг кўламда «гражданларнинг бўйсунмаслик ҳаракати»ни авж олдирди. Ҳокимиятга қарши митинглар бўлди. Жавоҳирлаъл уларда актив қатнашди ва 30 октябрда яна қамоқقا олинди. 1941 йил декабрь ойида барча Конгресс раҳбарларини қамоқдан озод этдилар. Бунга инглиз ҳукумати Ҳиндихитойни босиб олган ва Англия, Америка, Голландия колонияларига хавф туғдираётган Япония милитаризмига қарши

курашда уларнинг ёрдамига суюммоқчи бўлганлари сабаб бўлди. Конгрессчилар ўз позицияларини ўзгартирмаган ҳолда Ҳиндистонда инглиз ҳукмронлигини тугатиш, унга мустақиллик берилишини талаб қилдилар. ҲМҚ нинг Бомбейда бўлиб ўтган Бутунҳиндистон йиғилишида «Ҳиндистондан йўқол» резолюцияси қабул қилинди. Ҳукумат бунга қарши барча конгресс раҳбарларини қамоққа олиш билан жавоб берди.

1942 йил август ойида Жавоҳирлаъл яна қамоққа олинди. У ерда у «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарини ёза бошлади. Бу китобда Ҳиндистон тарихининг тафсилотлари камроқ ёритилиб, кўпроқ тарихдан олинган сабоқлар ёрдамида унинг равнақи ва тушкунлиги даврларини келтириб чиқарган шарт-шароит ва сабаблар таҳлил қилинган, Ҳиндистоннинг ривожланиши қонуниятлари кўрсатиб берилган. Жавоҳирлаъл ўзининг Будда, Махавир, Калидаса, Рамакришна, Вивекананда, Ауробиндо Гхош, Тилак, Гокхале, Р. Тагор сингари ватандошларини таърифлаб, улар доимо тинчлик ва озодликка интилганликларини ифодалайди. Улар дунёқарашидаги озодлик, мустақиллик улуғланган гояларини алоҳида қайд этиб, Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиши тарихий зарурият эканлигини таъкидлайди. Бу китоб 1955 йил СССРда рус тилида нашр этилди.

Маълумки, 1945 йил баҳорида уруш Совет Армиясининг немис фашистлари устидан тўла ғалабаси билан якунланди. Шу кунга келиб Ҳиндистонда вазият жуда ҳам жиддийлашган эди. Урушдан кейин ҳарбий саноатнинг қисқартирилиши муносабати билан корхона ва заводлардан ишчиларнинг бўшатилиши, далаларда кам хосиллик, озиқ-овқатнинг этишмаслиги, нарх-навонинг кўтарилиши Бомбей, Калькутта, Мадрас ва бошқа йирик саноат шаҳарларида янги антиимпериалистик чиқишлиарга сабаб бўлди. Бу намойишларга шу йили қамоқдан озод этилган ҲМҚ раҳбарлари бош бўлдилар. Намойишчилар яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш каби иқтисодий талаблар билангина чекланмай, балки Ҳиндистонга тезликда мустақиллик берилишини талаб қилдилар.

1946 йил февралида Бомбейдаги ҳинд қиролий флотининг матрослари қўзғолон кўтардилар. Уларни Карабчи, Мадрас, Калькутта портларида турган кема матрослари қўллаб-қувватладилар. Улар Британия офицерлари томонидан ҳақорат ва хўрлашларни тугатишни талаб қилиб, мачталардан инглиз байроқларини олиб

ташладилар, ўрнига Конгресс ва Мусулмон Лигаси байроқларини, бир неча кемаларда ҳатто қизил байроқлар күттардилар. Қўзголон кўтарган ишчи, деҳқон, студент, ҳунарманд, майда савдогар ва ҳарбийлар ҲМК га ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. ҲМК раҳбарлари мамлакатда кескин вазият сақланиб қолса, ҳинд ва инглиз қўшинларининг бевосита қуролли тўқнашувларини келтириб чиқариши ва натижада минглаб одамларнинг қони тўқилиши мумкинлигига кўзи етарди. Бу эса ҲМК раҳбарларининг «куч ишлатмаслик ҳаракати»га зид эди. Шу сабабли улар намойишлар бўлаётган жойларга ўз вакилларини юбориб, халқ ва армиядаги галаёнларни вақтинча тўхтатилишига эришдилар.

Британия парламенти Ҳиндистонга Петтик Лауренс раҳбарлигига давлат миссиясини юборди. Бу давлат миссияси билан олиб борилган музокара ва сайловларда ҲМК барча провинцияларда катта ютуқга эришди ва у Ҳиндистонда энг кўзга кўринган, обрўли партия эканлиги исботланди. Бу воқеа, ўз навбатида, Жавоҳирлаълни руҳини кўтариб юборди. Бомбейда бўлиб ўтган ҲМК нинг Бутун Ҳиндистон Комитетининг йиғилишида у Конгресс раиси қилиб тайинланди.

У ерда сўзга чиқиб: «Биз учун мустақиллик — бу биз учун чет эл таъсиридан тўла озод бўлмоқ демакдир... Биз Ҳиндистон республикасини барпо қилмоқчилигиз»,— деди. Август ойининг бошларида вице-қирол Лорд Уэйвелл Жавоҳирлаълга вақтли ҳукумат тузиш учун рухсат берди. Бироқ инглизлар ҳукумати бўлажак Ҳиндистоннинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли бир бутун мамлакат бўлиб қолишини истамасдилар. Улар ўз ҳукмронликларини узоқ вақт давомида сақлаб қолиши мақсадида мамлакатда диний жамоа келишмовчилликларига олиб келувчи турли сиёсий кучларнинг вужудга келиши тарафдори эдилар. Шу мақсадда вице-қирол бўлажак муваққат ҳукуматидаги 14 ўриндан 6 тасини конгрессчиларга ажратди. Шу вақтнинг ўзида вице-қирол Уэйвелл Жинна бошчилигидаги мусулмонлар лигасига мурожаат қилиб, уларга янги ҳукуматдан 5 жой ажратди. Жинна фақат мусулмон лигасидан иборат ҳукумат тузини режалаштирган эди. У ўз мақсадига эришиш истагида 16 августни «Покистон учун бевосита кураш куни» деб эълон қилди.

24 август куни вақтли ҳукумат аъзоларининг номлари маълум бўлди. Ҳиндистоннинг вице-қироли Лорд Уэйвелл янги Ҳиндистонни бошқарди. Бош министр ёрдамчиси, ташқи ишлар министри қилиб Жавоҳирлаъл

Неру тайинланди. Бошқа ўринларни Патель, Р. Прасад, Сарат Чандра Бос, С. Ражагопалачария, Асаф Али ҳамда энг қуи табақа намояндаси Жагживан Рам, ҳинд христианларидан Жон Маттхан, сикх лидерларидан Балдев Сингх, Ч. Х. Бхабха ва мусулмон лигасига аъзо бўлмаган икки мусулмон — Шафат Аҳмадхон ва Али Заҳирлар эгалладилар.

2 сентябрда ҳукумат ўз вазифасини бажаришга киришиди. 7 сентябрда ҳинд ҳалқи радио тўлқини орқали Жавоҳирлаъл Нерунинг ҳаяжонли нутқини тинглади.

Жавоҳирлаъл ўз нутқида Совет Йиттифоқига бўлган муносабатини баён этди. 1946 йил СССР ташқи ишлар министрига қуидаги мазмунда мактуб йўллади: «Биз СССР билан чин қалбимиздан дўстлик муносабатларини ўрнатишни истаймиз... Биз ишонамизки, Россия ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик иккала мамлакат учун фойдали бўлади ва бутун дунёда тинчлик, социал тараққиёт учун хизмат қилади».

Совет Йиттифоқи жабрлаған ҳалқларниң миллий мустақиллик учун олиб бораётган адолатли курашида бирдамлик кўрсатишнинг ленинча принципларига содиқ қолган ҳолда, Ҳиндистон билан тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ҳеч қандай шартсиз ва ҳуқуқларини чеклашсиз муносабат ўрнатишга қарор қилди. Бу билан Совет Йиттифоқи колониализм асоратидан бутунлай озод бўлиш ва суверен давлат тузиш учун курашаётган ҳинд ҳалқини руҳан қўллаб-қувватлади. 1947 йил 13 апрелда Москва ва Дехлида икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги эълон қилинди.

1947 йил февралидаги инглиз ҳукумати мустамлакачилар сиёсатини Ҳиндистонга жорий эта олмаётганлиги учун вице-қирол Уэйвелл ўрнига лорд Луис Маунтбэттенни вице-қирол этиб тайинлади. Сабаби, Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатини сусайтириш ва у ерда Буюк Британиянинг таъсирини сақлаб қолиши учун айнаш шундай уddyабурун, моҳир сиёсатчи керак эди. Л. Маунтбэттен ўз инглиз ҳомийларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилди. У Ҳиндистонда ҳиндулар ва мусулмонлар орасида душманлик қўзғатишга қаратилган сиёсат юргизди. Жумладан, 1947 йил 10 май куни Симлада Жавоҳирлаълга Ҳиндистоннинг бўлғуси давлат тузуми лойиҳаси топширилди. Лойиҳада мамлакатнинг икки (Ҳиндистон ва Покистон) га бўлиниши кўзда тутилган. Албатта, Ҳиндистоннинг бирлигига қарши қаратилган ва Ҳиндистонда гражданлар урушини келтириб чиқариши мумкин бўлган бу лойиҳага Жавоҳирлаъл қарши

чиқди. Бироқ, надоматлар бўлсинким, 1947 йил 14 июнда бўлган конгресснинг умумхинд комитети йиғилишида Жавоҳирлаъл конгресснинг аксарият аъзолари иродасига бўйсунган ҳолда бу шармандали лойиҳани маъқуллашга мажбур бўлди. Тез орада Л. Маутбэттен лойиҳаси ўз таъсирини кўрсата бошлади. Ҳиндистоннинг иккига бўлиниши оқибатида унинг тарихида мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди. Олти миллиондан ортиқ мусулмонлар ва тўрт ярим миллион ҳиндуларнинг бир территориядан иккинчи террорияга кўчиши юз берди. Натижада бу кўчиш жараёнида ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасида қонли тўқнашувлар бошланди ва 700 мингга яқин киши диний мутаассиблик қурбони бўлди.

1947 йил август ойида Жавоҳирлаъл Ҳиндистоннинг Биринчи миллий конгресси маъқуллаган ҳукумат аъзоларининг рўйхатини тузди. Унга кўра Жавоҳирлаъл Неру Бош министр, Дўстлик ишлари ва ташқи ишлар ҳамда миллий тадқиқот министри, Патель Бош министр муовини, А. К. Озод, Р. Прасад, Д. Рам ва бошқалар эса князликлар иши ва ички ишлар ҳамда радио ва информация министри, ҳукумат аъзолари қилиб тайинландилар.

Ниҳоят узоқ орзу қилинган ва кутилган мустақиллик куни — 1947 йил 15 август ҳам етиб келди. Шу куни ҳинд халқи қанчадан-қанча қурбонлар, азоб-уқубатлар эвазига 200 йиллик мустамлакачилик зулмига барҳам берди.

Деҳлидаги Қизил қалъа олдидаги майдонда тўплланган минглаб ҳиндларнинг ўзиёна ҳайқириқлари остида ўттиз бор тўпдан баробарига отилган ўқ садоси янгради. Ҳинд халқи озод, мамлакат эса мустақил деб эълон қилинди. Қизил қалъа тепасида турган Буюк Британия байроғи ўрнига озод Ҳиндистоннинг уч рангли байроғи ўрнатилди.

Шу куни Жавоҳирлаъл Неру ҳинд халқига мурожаат этиб, қўйидагиларни таъкидлади: «Кўп йиллар аввал биз ўз тақдиримизни белгилаб олдик. Ҳозир мустақиллик учун қилган қасамёдимизни тўлиқ бўлмаса ҳам бир қисмини амалга оширдик. Озодлик учун курашда кўп азоб-уқубатларга гирифторм бўлдик, у ҳали ҳам юрагимизни эзмоқда. Энди бизнинг мақсадимиз фақат келажакка қаратилган, аммо келажакни енгилгина қўлга киритиш мумкин эмаслигига ишончим комил...».

Метин иродали Жавоҳирлаъл Неру бу нурли кунни яқинлаштириш учун не-не қийинчиликларни енгилб, не-не азоблар тортмади. Бу кураш йўлида ўн бир йилга

яқин қамоқ азобини тортди. Шу муддат давомида марданавор курашган Жавоҳирлаъл Неру мамлакат мустақиллигини сиёсий йўл билан қўлга киритиш учун тўрт марта (1929, 1930, 1936—1937, 1946 йиллар) Ҳиндистон миллий Конгресси партиясининг раиси сифатида фаолият юргизди.

ЖАВОҲИРЛАЪЛ НЕРУ — МУСТАҚИЛ ҲИНДИСТОННИНГ БИРИНЧИ БОШ МИНИСТРИ

Жавоҳирлаъл Неру ҳукумат раҳбари сифатида фаолият юргиза бошлаганинг биринчи кунлариданоқ миллий ва диний адоватларга чек қўйиш мақсадида барча кишилар қайси миллат, табақа ва диний жамоага мансуб бўлишидан қатъи назар қонун олдида тенг ҳукуқли эканлиги ҳақидаги гояни илгари сурди.

Ж. Неру раҳбарлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг хоҳ рақиби, хоҳ дўсти бўлсин ўз муносабатларида шахсий қарашларидан умумдавлат манфаатларини юқори қўя билишида эди. Масалан, унинг ёрдамчиси Патель йирик ҳинд буржуазияси манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳукумат орасида ўз тарафдорларидан иборат бир гурӯҳ тузиб Бош министрнинг кўпгина сиёсий ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилишига қаршилик кўрсата бошлайди. Ж. Неру Патель ахлоқида нағоён бўлган зиёлилар билан муносабатидаги калондимоғлик, социалистик гоялар тарафдори бўлган конгрессчиларга нисбатан заҳарханда пичинглар, коммунистларга асоссиз равишда қўпол муносабатда бўлиши каби қусурларни ёқтирасди. Шунга қарамасдан Жавоҳирлаъл Пателнинг ташкилотчилик қобилиятини юқори баҳолар, ҳамда унинг Ҳиндистоннинг мустақиллиги учун кураш гояларига ишонар эди.

Ж. Нерунинг давлат арбоби сифатида самарали иш олиб бориши унинг кундалик ҳаётини тўғри тақсимлаб вақтдан рационал фойдалана олганлиги ва ўзига нисбатан талабчанлилиги туфайлигина мумкин бўлган. У кечалари 4—5 соатгина ухлар, эрта тонгда туриб, йог системасига асосланган машқларни бажааради. Шу сабабли у доимо ўзини тетик ҳис этарди. Табиийки, жисмоний соғломлик унинг аклий фаолиятида эришган ютуқларининг гарови эди. Нега ўзингизни эҳтиёт қилмайсиз, деган саволга у: «Меҳнат инсон соғлиғига ёмон таъсир қиласи, деган фикрни қаердан топдингиз. Қишилар онгли, яхши ният билан қилаётган меҳнатидан

эмас, балки дангасалик ва бошқа бирор нарсадан нобуд бўладилар», — леб жавоб берган эди.

Жавоҳирлаъл Неру ўзини халқа яқин тутарди. У оддий халқ билан учрашиш, улар билан суҳбатлашиш, уларнинг орзу-умидларидан огоҳ бўлиш, улар билан дардлашишини ўзига одат қилиб олган эди. Бунга мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Ж. Неру ҳар куни нонуштадан сўнг боққа кириб, у ерда ҳузурига келгандарни қабул қиласади. Жавоҳирлаъл улар билан суҳбат қилишдан вақтини аямасди. Телефон спра-вочнингининг «Н» ҳарфи саҳифасида унинг ҳам номери ёзилган бўлиб, истаган киши у билан телефон орқали гаплаша олар эди.

Бош министр мамлакатда оғир иқтисодий аҳвол ҳукм суроётганилиги: озиқ-овқат, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етишмаслиги, транспортнинг аянчли аҳволда эканлиги ва ишсизликни кўриб уларни бартараф қилиш чораларини излади. Жумладан у 1948 йилда ишчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш ҳақидаги ҳаққоний талабларини эътиборга олган ҳолда, ҳукумат ва Таъсис мажлисида ишчи ва хизматчиларни давлат томонидан страховование қилдириш, минимум иш ҳақини белгилаш, меҳнат тортишувларини арбитраж (ҳакамлар суди) орқали ҳал этиш ҳамда хотин-қизлар ва болалар меҳнатини енгилластиришга оид қонунларни қабул қилишга эришди. Ж. Неру Ҳиндистон экономикасида давлат секторини ташкил этиб, илгари колониал ҳокимиятга қарашли бўлган барча корхоналар, темир йўл транспорти ва қурол ишлаб чиқарувчи корхоналарни давлат мулкига айлантириш ва мамлакатдаги йирик «Резерв банки»ни национализация қилишга эришди.

У йирик саноатнинг ривожланиш жараёнини зарурӣ равишда фақат давлат сектори томонидан эмас, балки имкони борича хусусий сектор орқали ҳам ривожлантиришни талаб қилди. Металлургия, энергетика, станок-созлик, химия, тоб ва кон саноати, транспорт каби ҳаёт учун зарурӣ бўлган экономиканинг бу соҳалари ёш давлатнинг назорати остида бўлиши кераклигини ва улар беш йиллик плани асосида ривожлантирилишини талаб қилди. Шу билан бирга бўлғуси Ҳиндистон республикасининг конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқди.

Ҳиндистон экономикасининг ҳамма соҳаси Англия билан боғланган эди. Шунинг учун Ҳиндистоннинг келгусида Англияга муносабати қай тарзда бўлиши масаласи Жавоҳирлаъл Нерунинг доимо диққат марказида

турди. «Бу боғлиқликдан қутулиш учун биз күчимизни йиғишимиз ва қаддимизни ростлаб олишимиз, бу йўлда сиёсий озодликка таянган ҳолда мамлакат экономикасининг мустақиллигига эришишимиз керак»,— деб фикр юритди.

1950 йил 26 январда мамлакат мустақил республика деб эълон қилинди. Бу кун Ҳиндистон халқи сиёсий системага эга бўлган кун деб ҳисобланади. Чунки худди шу куни миллий конституция қабул қилинди. Ҳукумат бошлиғи қилиб Ҳиндистон Миллий Конгрессининг раҳбари Ражендра Прасад тайинланди, давлатни Жавоҳирлаъл Неру бошқарди. Шу тариқа мамлакатдаги демократик доираларнинг кўпдан бери орзу қилиб келган мақсадлари амалга ошиди. Минглаб одамлар янги Деҳлидаги миллий стадионга тўпландилар. У ерда ҳарбий кучлар намойиши бўлди ва байрам олқишлиари янгради. Ҳинд халқи чеҳрасидаги ғалаба хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

Ж. Неру эл қатори бу қутлуғ кунда қувонар экан, бу баҳтиёр дамларда ҳам Ҳиндистоннинг эртанги куни ҳақида ўй сурди. Ҳиндистонни республика деб эълон қилиниши янги Ҳиндистонни барпо этиш йўлидаги илк қадам эканлигини, олдинда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигини у яхши тушунарди.

Мамлакат асрий қолоқлигини бартараф этиш, халқ оммаси фақирлигини, ишсизлигини, саводсизлигини тутгатиш, Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, унинг давлат сифатидаги демократик асосларини мустахкамлаш каби ҳал этилиши лозим бўлган масалалар Ж. Неру фикри-зикрини қамраб олган эди. Бу соҳада қўлга киритилган энг катта ютуқ халқ хўжалигини беш йиллик планларга мувофиқ ривожлантириш чораларининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши бўлди. Ж. Неру давлатни планилаштириш раиси сифатида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг уч беш йиллик плани лойиҳасини тайёрлаш ва уларни мамлакатда жорий этишда актив қатнашди. Биринчи беш йиллик (1951—1956) планлари асосан халқ хўжалигида ўрнашиб қолган мустамлакачилик қонун-қоидаларини йўқотишини, ўрнига янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи қонунларни жорий этишни ва шу асосда халқ хўжалигининг барча тармоқларини бошқаришни назарда тутарди. Биринчи беш йиллик план вазифалари муваффақият билан бажарилди. Иккинчи беш йиллик (1956—1961) план Ҳиндистон миллий иқтисодий мустақиллигини қўлга киритиш йўлида янги босқич бў-

либ, мамлакатни индустрлаштиришга қаратылған әди. Уни бажаришда Ҳиндистон СССРнинг тажрибаси ва амалий ёрдамига таянди (Бхилай металлургия заводи қурилиши). Учинчи беш йиллик (1961—1966) даврида оғир саноатнинг давлат корхоналарини қуриш ҳажми янада ортди.

Америка ҳукмрон доиралари Ҳиндистонни сиёсий ва иқтисодий қарамликда сақлаб туриш, уни империалистик мамлакатлар ҳарбий блокларига жалб этиб, СССРга қарши «совуқ уруш»да фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйған әдилар. Бу ниятларини амалга ошириш учун улар Ҳиндистонга жуда қулай шароитларда узоқ муддатли кредит ҳам ажратмоқчи бўлдилар. Бироқ уларнинг парда орқасидаги ўйинидан ўз вақтида воқиф бўлган Ж. Неру бунга йўл қўймади. Ҳиндистондаги йирик миллий буржуазия вакиллари бу даврда вужудга келган оғир иқтисодий шароитдан фойдаланиб, АҚШ нинг кредитларига таяниб, тез муддатда бойишни орзу қилас әдилар. Шундай мураккаб сиёсий ва иқтисодий шароитда СССР Ҳиндистонга ёрдам қўлини чўзди. Бомбейга бирин-кетин дон ортилган совет кемалари кела бошлади.

1952 йил Ҳиндистонда биринчи марта умумий сайлов ўтказилди. Унда Ҳиндистон Миллий Конгресси республика парламентида мутлоқ кўпчилик овозга эга бўлди. Шу тариқа мамлакатда ҲМК ўз мавқенини янада мустаҳкамлаб олди.

Энди Жавоҳирлаъл Неру Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига, империалистик дипломатия найранглари ҳамда ҳинд реакцион кучларининг мунофиқона фаолиятини фош этишига интилди.

Ж. Нерунинг мамлакат ичкарисида ўтказаётган прогрессив ўзгаришларни ва халқаро муносабатлардаги тинчлик сиёсатини илгари суроётганини Совет ҳукумати қўллаб-қувватлаб турди.

Мустақил Ҳиндистон ўзининг халқаро муносабатларини Жавоҳирлаъл Неру ишлаб чиқсан «панча шила», яъни тинч-тотув яшашнинг беш принципи асосида амалга оширмоқда. Бу принциплар қўйидагилардан иборат: 1) мамлакатнинг территориал бутунилигини ва мустақиллигини ҳурмат қилиш; 2) бир-бирига ҳужум қилмаслик; 3) ички ишларига аралашмаслик; 4) тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик; 5) тинч-тотув яшаш. «Панча шила»нинг бу беш принципи барча тинчликсевар халқлар орасида эътироф этилиб маъқулланди.

1955 йил февралда СССР Олий Советининг барча мамлакат парламентлариға мурожаатида ҳамма давлатлар ўзаро муносабатларда ана шу принципларга риоя этишлари кераклиги айтилди.

1954 йилда Ж. Неру Хитой, Бирма, Цейлон, Индонезия, Покистон мамлакатлариға боради. 1955 йил Қоҳирада Абдул Носир билан учрашади. Бу давлат раҳбарлари маълум бир келишмовчиликларга қарамай, «Панча шила» принципларини қўллаб-қувватлайдилар. Айниқса, бу масалаларда Ж. Неру ва Абдул Носирнинг сиёсий платформалари жуда яқин бўлиб, уларнинг империалистик блокларга қатнашмаслик масалаларидаги қарашларида умумийлик мавжуд эди. Бу умумийликни илгари сурган ҳолда улар бўлажак Бандунг конференцияси тинчлик ишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшишига катта умид боғладилар. Шуниси диққатга сазоворки, улар биргаликда Бандунг конференциясига бир самолётда келадилар.

Ингрима тўқказ мамлакат делегатлари Индонезиянинг пойтахти Жакартадан 100 км узоқликда жойлашган Бандунг шаҳрига тўпланадилар. Ж. Неру «Конференция моҳиятига кўра яшаш эксперименти, у фақат Осиё учунгина зарур бўлмай, балки бутун дунё учун ҳам зарурдир»,— деган эди.

1955 йил 18—24 апрелида Бандунг конференцияси ўз ишини бошлияди. Ж. Неру унинг ташаббускори ва актив ташкилотчиларидан бири эди. Конференция эълон қилган халқаро тинчлик ва ҳамкорлик тўгрисидаги декларация «панча шила» принциплари асосида ривожлантирилди. Бу декларация мустамлакачилик ва ирқий камситишга қарши ҳамда миллий озодлик курашини авж олдириш, ядро ва термоядро қуролини таъқиқлаш, Осиё ва Африка халқларининг маданий ҳамкорлиги каби чақириқлар билан тўлдирилган эди. Бу конференция тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Осиё-Африка давлатларини ўзаро яқинлаштирди, уларнинг тинчлик учун курашида ва мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлашида катта қадам бўлди.

1954 йилда Ж. Неру Совет Иттилоқига таклиф қилинади. Шу даврда икки мамлакат дипломатик доиралари ўртасида Ҳиндистонда давлат сектори орқали миллий оғир саноатнинг асосий тармоқларини вужудга келтириш ҳақида музокаралар борарди. Бу режа амалга оширилган тақдирдагина мамлакат империалистик монополияларга қарам бўлишдан қутуларди. Шунингдек, қатор штатлари хўжалигида феодал уклари сақла-

ниб қолган қолоқ ва аграр Ҳиндистон ривожланган саиот мамлакатига айланарди. Бу сафардан илгарироқ, яъни 1955 йил февраль ойида Ҳиндистонда СССР ёрдами билан «Бхилаи» металлургия заводини қуриш тўғрисида битим имзоланди. Бу «Бхилаи» заводи Ҳиндистон иккинчи беш йиллигининг зарбдор қурилиши бўлди.



З-расм. Ж. Неру ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг меҳмони.

Жавоҳирлаъл Неру 1955 йил 7 июнь куни расмий визит билан Москвага келди. У Москва қўчаларидан ўтар экан, совет ва ҳинд байроқларининг ёнма-ён ҳилпираши, совет кишиларининг меҳр ва қувонч билан кутиб олиши уни жуда қувонтирди. Бу сафарни фақат Ҳиндистон эмас, балки бутун дунё диққат билан кузатиб борди ва уни тарихий воқеа деб шарҳлади. Ж. Неру СССРга қилган сафари давомида Ўрта Осиё республикаларини ҳам бориб кўриш истаги борлигини билдиради. Сабаби, у кўхна маданият ва архитектура обидаларини кўриш билан бир қаторда, Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалиги ва маданиятида эришилган ютуқларни, бу халқларнинг турмуш тарзи ва муаммоларнинг қай даражада ҳал этилганлигини билмоқчи эди. Олмаота, Ашхабод шаҳарларида бўлди. Ўрта Осиёning кўзга кўринган гўзал шаҳри Тошкентга келди. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи улуғ меҳмонни очиқ чехра ва гулдасталар билан кутиб олди.

15 июнь куни Ж. Неру Самарқанд шаҳрига борди. Бир вақтлар Темур давлатининг пойтакти бўлган кўхна Самарқанд унга кўпроқ XVI асрда Ҳиндистонда

«Буюк мўғуллар империяси»ни барпо этган темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобурни эслатди. Ж. Неру буюк шоир ва ҳукмдор Ҳиндистонда яратган янги архитектура элементларини Самарқандда ҳам кўрди. Самарқанднинг мақбаралари, масжидларини томоша қилди, улуф ўзбек мутафаккири ва олими Улугбек обсерваториясини бориб кўрди. Ҳамма ерда уни ишчи, деҳқон ва зиёлилар илиқ кутиб олдилар. Ж. Неру улар билан сұхбатлашди, йирик саноат корхоналари, колхоз ва совхозларида ҳам бўлди. Ўрта Осиё халқларининг халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлга киритган улкан муваффақиятларини кўриб ҳайратга тушди. Ж. Неру СССРда бўлганида кўпроқ Совет Иттифоқида халқ хўжалигини планлаштиришининг қандай йўлга қўйилганини билан қизиқди. Оғир саноат тармоқлари бўлган металлургия ва машинасозлик корхоналарини бориб кўрди.

Ж. Неру Москва Санъат Академиясида, Ленинграддаги Эрмитажда Ҳиндистон маданияти ва санъатига бағишлиган бир қанча кўргазмаларда бўлиб совет кишиларининг ҳинд халқи маданиятига бўлган қизиқишиларини кўриб тўлқинланди.

Айниқса, МДУ студентларининг ҳинд, урду, бенгал ва санскрит тилларини ўрганаётганликлари ва у билан шу тилларда сұхбатлашганликлари Ж. Неруни қувонтириди.

Ломоносов номли Москва Давлат университетининг илмий кенгashi Ҳиндистоннинг Бош министри Ж. Нерунинг давлат арбоби сифатида халқаро сиёсатда юргизаётган одилона ташқи сиёсатини, халқаро ҳуқуқ принципларига риоя қилган ҳолда катта ва кичик давлатларининг суверен ҳуқуқларини тан олганлиги, Осиё ва бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатишга муносаб ҳисса қўшаётганлигини назарда тутиб, унга университетнинг «юридик фанлари доктори» фахрий унвонини берди. Сафар охирида катта Кремль саройида Совет Ҳиндистон шартномаси тузилди. Бу шартнома «панчашила»нинг беш принципи асосида тузилган бўлиб, СССР билан Ҳиндистон ўртасида маданий, иқтисодий, техникавий ҳамкорлик ўрнатилишини назарда тутарди.

Ж. Неру совет кишилари билан хайрлашар экан: «Мен Совет Иттифоқини тарк этар эканман, ўзимни бир вақтнинг ўзида ҳам бойроқ, ҳам камбағалроқ бўлиб қолгандек ҳис этаяпман. Энди мен дўстлигимиз, мени самимий кутиб олганингиз ҳақида кўп ажойиб хотираларга эга бўлганим учун ўзимни бойроқ бўлиб

кетаётган деб ҳисоблайман. Бироқ қалбимнинг бир бўлагини бу ерда ташлаб кетаётганим учун камбағалроқ бўлиб кетаётгандекман», — деган эди ҳаяжонланиб.

Ж. Нерунинг бу сафари Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бошланиши бўлиб, кеинчалик совет ва ҳинд раҳбарларининг бундай учрашувлари анъанага айланишига сабаб бўлди. Жавоҳирлаъл Неруни ҳинд жамоатчилиги мамлакатлараро дўстона муносабатларни илгари сурганилигини эътиборга олиб 1955 йилда уни Ҳиндистоннинг олий нишони «Ҳиндистон дури» («Бхарат ратна») ордени билан мукофотлади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакат раҳбарлари, миллый-озодлик ҳаракатининг раҳнамолари, Гарбнинг прогрессив арбоблари билан биргаликда Ж. Неру дунёда катта ва кичик урушларнинг келиб чиқиш хавфини бартараф этишга киришиди.

1963 йил Совет Иттифоқи ядро қуролларини атмосферада, космос ва сув остида синашга қарши Шартномага имзо чекди. Ҳиндистон биринчилардан бўлиб бу жаҳоншумул ҳужжатни олқишилади.

Ж. Нерунинг ташқи сиёсатдаги тараққийпарвар қарашлари ўзининг бутунилиги ва барқарорлиги билан ажралиб турса-да, у юргизган ички сиёсатнинг айrim ўзига хос хусусиятлари бор эди. Жуда кўп синфлар мавжуд бўлган, партия ва ҳукумат ўртасида низоли масалаларни ҳал этишда зиддиятлар бўлган, Ж. Нерунинг «панча шила» тинчлик сиёсатига қарши ўлароқ, мамлакат иқтисодини ҳарбийлаштиришга интилган «Ҳинду маҳасабха» каби партиялар бор бўлган шароитда бундай қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги табиий ҳол эди, албатта. Бироқ Ж. Неру М. Гандининг ахлоқий таълимотига таянган ҳолда ижтимоий зиддиятларни бартараф этишга қаратилган сиёсат юргизиши билан ҳалқ хўжалигининг долзарб вазифаларини бажариш учун муносиб шароит яратди. Ж. Неру ва унинг ҳукумати моддий ресурсларни ва пул маблағларини рационал тақсимлашга, мамлакат саноати муҳим тармоқларининг юксак суръатлар билан ўсишини таъминлашга, хорижий монополияларга қарамликни кескин қисқартиришга, ҳалқ гайратини умуммиллий вазифаларни бажариш учун йўналтиришга ва ниҳоят, Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишига имкон яратди. Ж. Нерунинг ўзи мамлакат иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришларни идеаллаштирунган ҳолда, унга шундай таъриф беради: «Бу маълум даражада давлат контролига асосланган капиталистик иқтисод ёки бевосита

давлат томонидан бошқариладиган капиталистик иқтисод билан аралашған ижтимоий сектордир».

Ж. Неру тилга олган давлат капитализми мамлакаттар шароитида мустақил иқтисодий ривожланишни тезлаштиришга йұналтирилғанлығы ва унда антиимпериалистик хусусияттарнинг мавжудлиги билан прогрессив аҳамияттаға эга бўлган. Бироқ ҳинд раҳбари ривожланаётган мамлакат иқтисодида давлат секторининг улкан аҳамияттаға эга эканлыгини эътироф этади.

Ж. Неру ички ва ташқи сиёсатининг асосий йұналишыга қарши мамлакат реакцион кучлари авж олдирган турли-туман тарғиботларга қарамай, ҳинд халқи ва тараққийпарвар кучлар уни қўллаб-қувватладилар. Қамтарин Ж. Неру бу муваффақиятлар фақат унгагина боғлиқ әмаслигини қуйидаги сўзлар билан ифодалаган эди: «Бизнинг сиёсатимизни «Неру сиёсати» деб аташ мутлақо нотўғридир. Сабаби, мен фақат унинг ифодаловчисиман, холос. Бу сиёсатга мен асос согланим йўқ. У Ҳиндистоннинг шароити, унинг ўтмишдаги мавжуд фикрлаш усули, бутун Ҳиндистондаги турли қарашларнинг системаси, ўз озодлиги учун курашаётган ҳиндларнинг манфаатлари йўналиши ва ҳозирги давр халқаро вазиятидан келиб чиққандир».

1961 йил сентябрда Белградда қўшилмаслик сиёсатига амал қилувчи мамлакат раҳбарларининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу ҳаракатнинг лидерларидан бирин бўлган Ж. Неру унда фаол қатнашди.

Неру, Носир, Нкрума каби миллий-озодлик ҳаракатининг синалган арబоблари бу ҳаракатни олқишлидилар ҳамда турли социал системадаги мамлакатлар ўзаро ҳамкорликда яшashi мумкинлиги ҳақидаги ғояни илгари сурдилар, колониализмнинг барча формаларини йўқотиш ва дунёда тинчлик ўрнатиш учун муштарак равишда курашмоқлари зарурлигини таъкидладилар. Конференцияда Ж. Неру ташаббуси билан «уруш хавфи ва тинчликка даъват» деб номланган ҳужжат тасдиқланди.

1961 йил сентябрда Ж. Неру Совет Иттилоқига ташриф буюрди. Унинг бу қисқа муддатли расмий сафари даврида Ҳиндистон-Совет муносабатлари ҳамда халқаро масалалар ўзаро келишиб олинди.

Шу йил Жавоҳирлаъл Неру бир неча мамлакатларда, жумладан, Вашингтонда АҚШ президенти Ж. Кеннеди, Лондонда бош министр Г. Макмиллан, Каирда яна Ж. А. Носир ва И. Б. Титолар билан учрашди. ООН да нутқ сўзлади, Мексикага борди, Деҳлида Поль-

ша давлат бошлиғи Завадский; Япониянинг бош министри Х. Икеда ва бошқа чет эл делегациялари билан мулоқотда бўлди. Қаерда бўлмасин, кимлар билан сұхбатлашмасин, ҳамма ерда у жаҳонда тинчлик ўрнатиш foяларини илгари сурди. Айниқса, Совет Иттифоқининг биринчи космонавт учувчиси Гагарин билан бўлган учрашув унга қувонч бағишилади. Юрий Гагарин билан бўлган сұхбатда Ж. Неру космик парвоз билан қизиқди, фан ва техника ютуқларидан қувонди. Ҳинд халқининг ҳам фазони забт этишини орзу қилди. Ж. Нерунинг бу орзуси унинг вафотидан кейин, 1984 йил апрелда Ҳиндистоннинг биринчи космонавт учувчиси Ракеш Шарманинг совет фазогирлари билан биргаликда фазога қилган сафари натижасида амалий ифодасини топди.

«Энди совет-ҳинд ҳамкорлиги фазога ҳам етиб борди»,— деган эди бу ҳақда Ҳиндистоннинг Бош министри Ж. Нерунинг қизи Индира Ганди.

60-йилларда Ж. Неру раҳбарлигига Ҳиндистон ҳукумати қуролсизланиш ҳамда шармандали мустамлакачилик системаси қолдиқларини тугатиш учун курашни давом эттириди.

1961 йил охиirlарида Португалия колонизаторлари қўл остида эзилаётган Ҳиндистонга қарашли бўлган территориядаги халқларни озод қилишга эришиди ва уларни бу зулм занжиридан озод этиб, ўз она ватани Ҳиндистон территориясига бирлаштириди. Лекин Ҳиндистондаги ўнг оппозиция Ж. Неру ва унинг сафдошларига қарши хуруж қилиб, уларни қўшилмаслик сиёсатидан воз кечишга унади. Уларни «халқаро коммунизм хавфи» билан қўрқитиб, Ҳиндистон ҳукуматини империалистик давлатларнинг ҳарбий блокларига қўшилишга чорлади ва Farb капиталистик мамлакатларигина Ҳиндистон мудофаасини таъминлай олиши мумкинлиги ҳақида жар солди. Ж. Неру ва унинг тарафорлари бундай сиёсатни қабул қилмагач, ўнг оппозиция ҳукуматни истеъфога чиқишини талаб қилди. Шу сабабли 1963 йилда парламент сайлови ўтказилди. Сайлов натижасига кўра 61 овозга қарши 346 овоз билан Ж. Неру ҳукумати ғалаба қозонди.

Бу билан Ҳиндистон халқи Ж. Нерунинг ташқи вайчики сиёсатдаги, мамлакатнинг мустақиллиги ва иқтисодий қурдатини мустаҳкамлашга, социал тараққиётга қаратилган прогрессив курсини маъқуллаётганлигини яна бир бор исботлади.

Жавоҳирлаъл Неру 1964 йил 27 майда 75 ёшида ва-

фот этди. У вафот этмасдан бир неча йил муқаддам (1954 йил 21 июнь) ёзиб қолдирган васиятномасида: «Мен ўлганимдан кейин ҳеч қандай диний маросимлар ўтказманглар ва расм-русларни қилманглар. Бундай маросимларга ишонмайман ва бундай маросимларни расмият учун ёки одат тариқасида адо этиш мунофиқлик бўлади, деб ҳисоблайман.

Менинг жасадим кремация қилингандан кейин бу кулни самолётда Ҳиндистон територияси устидан совуриб юборинглар, кулнинг бир ҳовучини эса ўзим туғилиб ўсган Оллоҳобод шаҳри олдида Ганг дарёси сувига ташланглар, токи бу дарё сувининг тўлқинлари уни Ҳиндистон соҳилларига туташган улуг океанга оқизиб кетсин».

Жавоҳирлаъл Неру узоқ ва самарали ҳаёт кечирди. У ўз ҳаётини она ватани ва халқи хизматига бағишилган оташин курашибчи, Ҳиндистон халқининг содиқ фарзанди эди. Ж. Нерунинг жасад кули сингари унинг гоялари ҳам бутун Ҳиндистон бўйлаб ёйилди. Ж. Неру гоялари ҳозирги кунда ҳам барҳаётдир. Шу кунларда унинг набираси Ражив Ганди бобоси бошлиб берган ишни давом эттироқда.

Жаҳон жамоатчилиги Ж. Нерунинг хотирасини ҳурматлаб, 1970 йилда халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий фаолияти учун Бутун Жаҳон Тинчлик кенгашининг Фредерико Жолио-Кюри номли олий мукофоти — «Тинчликнинг олтин медали» билан мукофотланди.

Жаҳон маданий алоқалар кенгаши (1964 йил 5 июнь) марҳум Баш министр хотирасига бағишилаб «Жавоҳирлаъл Неру номли Халқаро мукофот» таъсис этишга қарор қилди. Бу мукофот тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган атоқли арбобларга йил сайин берилади.

ЖАВОҲИРЛАЪЛ НЕРУ ДУНЁҚАРАШИННИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳиндистон тарихининг кескин бурилиш даврига тўғри келган гоявий ва сиёсий ҳаётида Жавоҳирлаъл Нерунинг роли гоятда улкандир. Биз буни шундан ҳам яққол кўрмоғимиз мумкинки, Нерунинг вафотидан кейин бир неча йил ўтиб кетган бўлса-да, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ж. Неру номи ва гояларига қайта-қайта мурожаат қилиш давом этмоқда. Шунинг

учун ҳам Нерунинг ғоялари ва фаолияти ҳанузгача илм аҳлида катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Бу бўлимда биз Ж. Нерунинг сиёсий фаолияти ва Ҳиндистон маънави тараққиётига қўшган ҳиссасига тегишли барча масалалар мажмуасидан, унинг ижтимоий ҳодисаларга ёндошишда асосий мезон бўлиб ҳисобланган фалсафий қарашларининг баъзи бир хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

Жавоҳирлатьл Неру дунёқараши у яшаган, ўқиган ва фаол сиёсий ҳаёт кечирган муҳит таъсири остида шаклланди. Неру ёшлик чоғиданоқ она Ватани — Ҳиндистон тарихи, фалсафаси, динини ўргана бошлади. Англияда ўқиб юрган даврида Фарб фалсафаси билан танишди, дунёда рўй берадиган сиёсий воқеалар билан қизиқа борди, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарлари билан ҳам танишди. Оқибатда Неру дунёқараши мураккаб эволюция йўлини босиб ўтиб турли ижтимоий-сиёсий ҳамда идеологик омиллар таъсирида ривожланди. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ Неруда эклектик характердаги ўзига хос дунёқараш шаклланди. Унинг кучли материалистик тенденцияларни, дунёни диний тушуниш элементларини, жамиятга ўзига хос бир тарзда қарашни, марксизм-ленинизмдан олинган диалектикани ҳамда қадимий ҳинд фалсафа мактабларига хос анъаналарни кўрамиз.

Ҳиндистон Миллий Конгрессининг раҳбари бўлган Ж. Неру ушбу партияning расмий идеологияси ҳисобланган гандизмнинг кучли таъсирида бўлди. Лекин Нерунинг сиёсий курашда ортирган тажрибаси, Фарб ва Шарқ прогрессив таълимотларидан воқифлиги, ўткир идроклилиги, назарий масалаларга ижодий ёндошиши унда гандизмга нисбатан танқидий муносабатни келтириб чиқарди. У Гандини Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбари ва мафкурачиси сифатида юқори баҳоласа-да, айни пайтда унинг сиёсатга диний позициялардан туриб ёндошиши, эскиликка ихлосмандлиги, зоҳидлик, қашшоқлик, азоб-уқубатларга бардош беришни юқори қўйишини рад этарди.

Неру динни сиёсат билан аралаштиришни истамади, у гандизм усуслари билан халқ оммасини турмушда юксак даражага эриша олишига ишончи комил эмас эди. Махатма Ганди «ҳақиқат»га, Неру эса социализмга ишонар эди. «Оч одам учун,— деган эди Неру,— ҳақиқат унча аҳамиятга эга эмасdir, унга овқат керак, Ҳиндистон эса қашшоқ мамлакатdir».

Ж. Неру Гандининг күч ишлатмаслик ғоясини абсолютлаштирилишига қарши чиқади ва «күч ишлатмаслик ғояси муҳокама қилиб бўлмайдиган қотиб қолган додмага айланаб қолмоқда. Шу ҳолатда у ақлларни ўзига жалб этувчи кучини йўқотади ҳамда имон ва дин ақидалари орасидан ўз ўрнини олади. У ҳатто эски ҳолатни сақлаб қолмоқчи бўлган имтиёзли гурӯҳлар учун таянч бўлиб қолмоқда», деб ёзади ўзининг «Автобиография»сида. Неру гандизмга ҳинд миллий-озодлик ҳаракатининг ҳақиқий ғоявий-назарий асоси деб қарар ва ҳатто уни ўз дунёқарашининг манбаларидан бири деб эътироф этарди.

Ж. Неру ўзини Гандининг издоши деб ҳисобласа-да, лекин Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракати ривожланиши жаараёнида ўз устозининг кўпгина принципларидан аста-секин узоқлаша боради ва марксизм-ленинизм ғояларининг кенг ёйилиши туфайли гандизмдан революцион демократиягача бўлган йўлни босиб ўтади. У ўз умрининг охиригача илмий социализм позициясига тўла ўта олмаган бўлса ҳам, лекин баъзи масалаларни ҳал қилишда диалектик ва тарихий материализмга жуда яқинлашади.

Ж. Неру ўз замонасининг йирик сиёсий арбоби ва жаҳон миқёсидаги ўзига хос мутафаккир эди. Ж. Нерунинг миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси сифатидаги фаолияти оммавий антиимпериалистик кураш ва ищчилар синфий курашининг юксалиши, Ҳиндистонда илмий коммунизм ғояларининг ёйила бориши шароитида амалга оша борди.

Неру тарихга марксистик нуқтаи назардан қараш ғоялари билан қизиқарди. Бу борада у: «Маркс ва Ленинни ўрганиш менинг онгимга жуда катта таъсир кўрсатди ҳамда тарих билан ҳозирги замон ҳётини янгича кўришга ёрдам берди»,— деб ёзган эди. Гарчи у марксизм таълимотининг хulosса ва қоидаларини тўла тан олмаган бўлса-да, марксизмнинг илмийлиги ва атеистик йўналиши унда катта таассурот қолдирди. «Марксча фалсафий дунёқарашдан мен ҳеч қандай қийинчиликлариз кўп нарсани: унинг монизмини, руҳ билан материя бирлигини, материя ҳаракатини ҳамда тезис, антitezis—синтез формуласи бўйича сабаб ва оқибатнинг амал қилиши ва бир-бирига таъсири натижасидаги эволюция йўли билан ҳам, сакрашлар йўли билан ҳам содир бўладиган тўхтовсиз ўзгаришлар диалектикасини қабул қила олардим»,— деб ёзган эди Неру. Лекин у марксистик фалсафада ўзини ҳаяжонга

солған барча масалаларга тегишли жавоб топа олмади.
Бунга унинг қарашларига сезиларли таъсир кўрсатган
Веданта типидаги идеалистик ёндошиш сабаб эди.

Шундай қилиб, Неру марксизмни ва тарихни
материалистик талқин қилишни тўла қабул этмаган
бўлса ҳам, аммо ҳар қандай бошқа назарияга нисбатан
бу таълимотга хос бўлган тарихни иқтисодий ту-
шунтиришда ҳақиқат кўпроқ деб билди. Бу таълимот-
нинг афзаллигини қайта-қайта таъкидлаб, уни ўз дунё-
қарашининг таркибий элементи сифатида марксистик
фалсафанинг муайян принципларини қабул қилишга
тайёр эканлигини билдири.

Ҳиндистонда социалистик оқимнинг ёйилиши ва та-
раққиёт айниқса, Октябрь революцияси таъсири остида
кенг авж олди. Бу таъсир аввало миллий-озодлик ҳа-
ракатининг турли арбоблари қарашларининг шаклла-
нишида ўз ифодасини топди. Конгресснинг назариётчи-
ларидан бири Х. Д. Малавия «Нерунинг социализм кон-
цепцияси» номли китобида 1917 йил рус революцияси
ҳинд миллатчилиги идеологларига таъсир кўрсатган
энг муҳим омил бўлди,— деб таъкидлайди. «Дунёни
ларзага келтирган бу воқеадан кейин — деб ёзди у —
миллатчилик руҳи билан суғорилган кишилар Россия-
да содир бўлаётган воқеалар билан чуқур қизиқа бош-
ладилар. Ж. Нерунинг ўзи 1927 йил Россияга сафар
қилиб «Совет Россияси» номли китоб ёзди».

Илмий социализм ғоялари ва СССРнинг муваффа-
қиятлари таъсирида Неруда муайян сиёсий маслак
шаклана борди. Унинг ўзи бу ҳақда 1936 йил Миллий
Конгресс минбаридан туриб: «Дунё ва Ҳиндистон олди-
да турган масалаларни ҳал қилишнинг бирдан-бир ка-
лити—социализмдир»,— деб ёзган эди.

Ж. Неру ўзининг социализмга бўлган муносабатини
тушунтирасар экан, социализмга қўйидагича таъриф бе-
ради: «Мен бу сўзни (социализм—А. И.) ишлатганимда,
унга мавҳум инсонпарварлик маъноси эмас, балки аниқ
илмий, иқтисодий маъно бераман. Айни пайтда социа-
лизм — оддий иқтисодий доктрина қараганда, қандайдир
каттароқ нарсадир — у ҳаёт фалсафасидир, бинобарин,
худди шу маънода у мен учун жозибадордир.
Мен ҳинд ҳалқининг қашшоқлиги, кенг кўламдаги иш-
сизлиги, таназзули ва қарамлигини йўқотиш учун со-
циализмдан бошқа йўл кўрмаялман. Бу эса Ҳиндистон-
нинг сиёсий ва ижтимоий структурасида «кенг рево-
люцион ўзгаришлар ясаш»ни, ерга ва саноат корхона-
ларига бўлган имтиёзли ҳуқуқларни йўқ қилишни та-

қозо қиласи. Бунинг маъноси хусусий мулкка, муайян тарзда чекланган мулкиликтан ташқари, йўқотиш ҳамда фойда кетидан қувишига асосланган ҳозирги система ни биргаликда ишлаб чиқаришининг юксак идеаллари билан алмаштириш демакдир. Бу пировард натижада бизнинг интилишларимиздаги алмашувдир. Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги капиталистик тузумдан тубдан фарқ қиласиган янги цивилизация назарда тутилади. Бу янги цивилизация ҳақидаги баъзи бир тасаввурларни биз СССРдан олишимиз мумкин».

Ж. Неру ўз концепциясининг моҳияти ҳақида галирар экан, жамиятни социалистик асосда қайта қуриши методи каби асосий масалани четлаб ўта олмасди. Неру синфлар ва синфий кураш мавжудлигини тан олса-да, бироқ синфий қарама-қаршиликларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш ғоясини илгари суреб келди. Ўз моҳиятига кўра Гандига хос бўлган бу тезис «ҳинд социализми»нинг сиёсий концепцияси учун принципиал аҳамиятга эга эди. «Синфий қарама-қаршиликларни инкор этмаган ва хаспўшлаб кетмаган ҳолда,— деган эди Неру,— биз бу масалани ҳамкорлик асосида тинч йўл билан ҳал этишини хоҳлаймиз. Бу синфиий низоларни кескинлаштиришига эмас, балки уларни йўқотишига интиламиш, шунингдек, одамларни қўрқитиши ва яксон қилиш ўрнига уларни ўз томонимизга оғдириб олишга интиламиш...» деган эди у.

Шундай қилиб, Ж. Нерунинг социализм ҳақидаги тушунчаси марксча-ленинча илмий социализм тушунчасидан моҳиятан фарқ қиласи. Бироқ ҳинд ҳалқ оммаси аҳволининг ниҳоят даражада аянчли эканлигини тушуниб етган Ж. Неру Ҳиндистоннинг келажагини айнан социализмда кўрди. У ҳаққоний равишда умрини яшаб бўлган капитализм ўз эксплуатацияси ва таъмогирлиги билан ҳинд ҳалқига ҳаёт бера олмайди,— деб ҳисоблар эди. Фақат социализмгина жамият структурасида радикал ўзгаришига олиб келадиган имкониятни яратади, деб билар эди. «Шуни унумтаслик керакки, социалистик ва капиталистик методни қўллаш билан қашшоқликни бирдан, қандайдир сеҳр ёрдамида бойликка айлантириш мумкин эмас. Унга олиб борадиган яккаю-ягона йўл — жиддий меҳнат қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни адолатли тақсимлашдир. Бу давомли ва оғир жараёндир. Кам ривожланган мамлакатда капиталистик метод бундай имконият яратиб бера олмайди. Фақат планли, социалистик ёндошиш ёрдами билангина муттасил про-

грессга эришиш мумкин, лекин бунда ҳам кўп вақт та-
лаб қилинади. Бу жараён давомида бизнинг турмуш
ва фикр юритишимиз тарзи аста-секин ўзгариб боради».

Ҳозирги замон Ҳиндистон ижтимоий фикри тарақ-
қиётига, унинг динга бўлган муносабатида илфор, лекин
айни пайтда анча тор бўлган табака ва зиёлилар ора-
сида тарқалган уюшган ишчилар ҳаракати ва илмий со-
циализм ғоялари таъсир кўрсата бошлади. Бу таъсир
икки тарафлама бўлиб, бир тарафдан динни ислоҳ қи-
лишга, диний идеалларни ҳалқ оммасининг утопик со-
циалистик интилишларига яқинлаштиришга, антифео-
дал ва антиимпериалистик кураш шароитида диний
формаларни янги мазмун билан тўлдиришга бўлган
мойиллик кучаяди; иккинчи тарафдан эса, миллий бур-
жуазия идеологиясида илмий социализм ғояларининг
тарқалишига қарши тўсиқ сифатида диндан фойдала-
ниш тенденцияси кучая боради.

«Биз социализмни ўзимизнинг мақсадимиз сифатида
фақат адолатли ва хайрли бўлгани учун эмас, балки
иқтисодий проблемаларимизни ҳал қилиш учун ўзга
йўл йўқлиги сабабли қабул қилдик»,— деган эди Неру.
Лекин бу ҳол Неру илмий социализмни бутунлай систе-
ма сифатида қабул қилганиligини билдирамайди. Илмий
социализм фақатгина жамиятни социалистик тарзда
қайта қуришнинг объектив зарурятини очиб ташлаб-
гина қолмай, бу қайта қуришнинг муқаррар равишда
синфий характерга эга бўлишини ҳам кўрсатади. Бу-
нинг учун эса синфий йўналишига эга бўлган муайян
фаолият керак. Неру эса умуммиллий йўлбошли сифа-
тида майдонга чиқди, унинг фаолияти умуммиллий вази-
фаларни, биринчи навбатда мустақиликка эришишни
ҳал қилишга қаратилган эди. Ўзининг социал идеали-
га эришиш йўлида Неру қарама-қаршиликлар ҳамда
маълум даражада хаёлпарастликларга дуч келди. Неру
ҳинд социализмининг фалсафий принципларини Ведан-
танинг ғоялари асосида ишлаб чиқиш зарур деб таъ-
кидлар эди. Айни бир вақтда у миллий социализм идео-
логиясида диний анъаналарга амал қилиш диний чега-
раланишни ва бирор диний догма билан боғлиқликни
билдирамайди, деб ҳисоблар эди.

Неру тажрибали сиёsatчи сифатида, дин миллий-
озодлик ҳаракатининг ҳамда мустақиллик учун кураш-
нинг мазмунини ташкил этган социал-иқтисодий проб-
лемаларни тўсиб қўйиши мумкинлигини яхши тушунар
эди. Шунинг учун у сиёsat билан динни бирлаштириш
тенденциясига ва динни асосий сиёсий принциплардан
бири сифатида тан олишга кескин қарши чиқди.

Жавоҳирлаъл Неру кенг демократик позициялардан туриб диннинг қандайдир консерватив ва реакцион куч эканлигини кўра билди. «Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда дин ёки расмий дин деб аталмиш кўринишини кузатар эканман, менда қўрқув ҳислари уйғонар эди ва мен уни доимо таъкид қиласар эдим ҳамда у билан ҳеч алоқадор бўлишни истамас эдим»,—деб ёзган эди.

Жаҳон миқёсида прогрессив ўзгаришлар тўғрисидаги Неру қарашларининг характерли хусусияти сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, у социализм ва капитализм ўртасида қандайдир оралиқ йўл имконияти бор, деб ҳисоблаган. Шунинг учун «Биз янги типдаги социализмни, ортодоксал практикадаги коммунистик ва капиталистик мамлакатлар оралиғида бўлган қандайдир ўртача нарсани қуришга интилмоқдамиз»,—деб таъкидлар эди у.

Шундай қилиб, зотан прогрессив, лекин ҳозирги замон капиталистик экономика чегарасидан ташқари чиқмайдиган (ер ислоҳоти, реформа, хусусий мулқчиликни сақлаган ҳолда давлат секторини вужудга келтириш ва ва бошқа) ўзгаришларни социалистик ўзгаришлар деб билиш Ж. Неру субъектив-социалистик қарашларининг ўзига хос томонини ташкил этарди. Албатта, бу тасаввурлар буржуазия манфаатлари йўлида ишлатилиши мумкин эди ва аксарият ҳолларда онгли равишда ишлатилиб келмоқда, социал демогогия мақсадларида қўлланилмоқда. Улар, шунингдек, ҳозирги даврда Фарб буржуа идеологлари орасида кенг тарқалган конвергенция назариялари билан туташиб кетиши мумкин. Шунга ўхшаш назариялар ўз вақтида Неруга ҳам таъсир кўрсатган эди. Лекин Неру ўзгача ижтимоий-тарихий шароитда мутафаккир ва жамоат арбоби сифатида шаклланди. Шунинг учун Ҳиндисоннинг конкрет шароитида Нерунинг прогрессив характерга эга бўлган концепцияси ўз ичига маълум утопик ва субъектив элементлар билан бирга реалликка хос бўлган муҳим элементни — жамиятни социалистик қайта ўзгартиришнинг тарихан қонуниятли характерга эга эканлигини эътироф этишини олган эди.

ЖАВОҲИРЛАЪЛ НЕРУ ВА ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ

Жавоҳирлаъл Неру ҳаёти ва ижодига бағишлиланган совет ва хорижий тадқиқотчи олимларнинг қатор илмий асрлари мавжуддир. Лекин уларда Ж. Нерунинг Ўрта

Осиё маданияти меросига бўлган муносабати ўрганилмаган.

Жавоҳирлаъл Неру Ўрта Осиё маданий меросини жуда ҳам қадрлаган. У 1955 йил ёзида расмий визит билан Ўзбекистонда бўлган вақтида республикамиз билан Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик қадимдан мавжуд эканлигини таъкидлаган.

Ж. Неру йирик мутафаккир ва сиёсий арбоб сифатида ўз халқи маданий мероси, тафаккури тарихини ўрганиш асосида унинг кишилик тараққиётига қўшган муайян ҳиссасини кўрсатиб берди ва бу борада изланышлар олиб борди. Бу эса, инглиз мустамлакачилари нинг ирқчиликка асосланган европацентрик қарашларига қарши ўлароқ, ҳинд миллий маданиятининг бутун бойлигини намоён этиш учун, ҳинд халқининг ўз тарихий ролини англаши, онгининг шаклланиши учун жуда зарур эди.

Ўз ватани Ҳиндистоннинг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳормай-толмай курашган бу олижаноб ва улуғ ватанпарвар инсон фаолиятида қадимги ва ҳозирги замон фарб, шарқ фалсафий мактаблари ҳамда улуғ инқилобий даҳолар К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларидан олган сабоги муҳим аҳамиятга эга бўлди. У ўз асарларида Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783—850), Абу Али ибн Сино (980—1037), Абу Райҳон Беруний (970—1048), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) каби Ўрта Осиёдан етишиб чиққан мутафаккир ва давлат арабблари ҳинд халқи маданиятининг ривожланишида муайян из қолдирганликларини қайд этади ҳамда уларнинг ижодларини ўрганади.

Ж. Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Жаҳон тарихига назар» ва бошқа асарларида ўртаосиёлик буюк мутафаккирлар, қомусий олимлар ва адабиёт аҳлига ўз муносабатини билдирган.

Жумладан, «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида у шундай ёзади: «IX аср математиги ва астрономи Хоразмий, шунингдек зукко шоир Үмар Хайём номлари кенг оммага маълумдир. Араб табиб ва жарроҳлари Осиё ва Европада машҳур бўлганлар. Уларнинг орасида «табиблар подшоҳи» деб ном олган бухоролик Ибн Сино энг таниқлиси эди... Абу Наср Форобий йирик араб мутафаккирларидан бири эди».

Ж. Неру ўртаосиёлик бу улуғ олимларни араб мутафаккирлари деб атаси хато фикр бўлишига қарамай, бу донишмандларнинг кишилик тараққиётига қўшган

хиссасини муносиб баҳолай олганлиги ўқувчиларни ҳайратга солади. Жавоҳирлаъл уларнинг номларини камоли эҳтиром билан тилга олиши бежиз эмас. Матъумки, улуғ ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий астрономик-математик асар бўлмиш ҳиндча «Сиддханта»ни қайта ишлаб, қадимги ва ўрта асрларга оид бой астрономик маълумотларга эга бўлган «зиж»ини ҳамда қадимги ҳинд миллий ютуқларига таяниб, «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» асарини яратган. Мазкур асар Хоразмийгагина катта мактаб бўлиб қолмасдан, Неру фахр билан тилга олган Ибн Сино учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган. Ибн Сино болалигига отаси уни замонасининг ўқимишли кишилари даврасига олиб кирганилиги, у ерда фалсафа, ҳандаса (геометрия) ва ҳинд ҳисобидан кенг билим олганлигини асарларидан бирида ёзиб қолдирган.

Ж. Неру «Жаҳон тарихига назар» асарида Ибн Сино шаънига шундай сўзларни ёзади: «Бухоро шаҳрида Осиё ва Европада машҳур бўлган йирик арабнавис (асарларини араб тилида ёзган) табиб яшаган, унивр исми Ибн Сино бўлиб, Европада кўпроқ Авиценна номи билан танилган».

Ж. Неру ўртаосиёлик яна бир қомусий тафаккур соҳиби — Абу Райҳон Беруний ҳақида сўз юритиб, унинг жасоратда ибрат бўларли фаолиятини Маҳмуд Фазнавийнинг босқинчиллик юришлари билан таққосланган. У қизи Индира Гандига йўллаган мактубларидан бирида Беруний ижодига аниқроқ тавсиф бериб, унинг «Ҳиндистон» китобига юқори баҳо беради ҳамда илм чироғи жаҳолат зулматини ёритганлиги тўғрисида шундай ёзади: «Мен сенга Маҳмуд даврида яшаган, у билан Панжобга келган бошқа бир инсон ҳақида ҳали сўзлаб берганим йўқ. Бу — Берунийdir. У ўз замонасининг жоҳил ва мутаассиб босқинчиларидан тубдан фарқ қилиувчи олим ва мутафаккир бўлган. Беруний янги мамлакат ва унинг халқи аҳволини, ҳиндларнинг дунёқарашини ўрганиш учун бутун Ҳиндистонни кезди. Шу мақсадда у ўша давр ҳинд фалсафасини, маданияти ҳамда фанини ўрганди... Беруний кўз олдимизда вайронагарчилик, қон тўкиш ва тартибсизликлар ҳукм сурәтган бир даврда ҳақиқатни англаш иштиёқида сабр ва матонат билан воқеликни кузатаётган, уни ўрганаётган олим сифатида намоён бўлади... Унинг китоблари фақат аниқ маълумотларга эга бўлибниа қолмай, шу билан бирга, уларда уруш, талон-торож, оммавий калтакланишлар ҳукм сурган бир шароитда илм аҳли ўз фаолия-

тини изчиллик билан давом эттирганлиги ва бир мамлакат халқи ўзга мамлакат халқининг ўзаро муносабатларига зулм ва ситам соя ташлаётганлигига қарамай бир-бирини тушунишга ҳаракат қылгани ҳақида сўз юритилади».

У Ҳиндистон тарихини ўрганиш мақсадида Беруний китобига мурожаат этади. У шундай дейди: «Ражендра I Чола сулоласи шоҳларидан бири бўлиб, Чалапурамада ажойиб сугориш иншооти—16 миллик тошдан қурилган дамба бунёд этди. Араб сайёҳи Беруний юз йилдан сўнг бу иншоотни кўриб ҳайратда қолган».

Ҳақиқатан ҳам ўз замонасиning жоҳил ва мутаасиб босқинчиларидан тубдан фарқ қиливчи олим ва мутафаккир Беруний янги мамлакат ва унинг халқи ахволини ўрганиш учун бутун Ҳиндистонни кезди. У Ҳиндларниң дунёқараши, илми, маданиятини ўрганди. Ҳиндларниң «Бхагаватгита» китоби унинг севимли китоби бўлиб қолди. Берунийнинг Ҳиндистон бўйлаб қилган саёҳатлари ҳақида ёзилган солнома бизгача етиб келган қадимий йирик асарлардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, барча тадқиқотчи олимлар томонидан юксак баҳоланган «Ҳиндистон» асари муаллифнинг Ҳиндистонни нақадар чуқур ва ҳар томонлама ўрганганигидан далолат беради.

Ж. Неру кейинги авлод ҳинд олимларининг Берунийга нисбатан эъзозли муносабатда бўлишига Берунийнинг мусулмон бўлмаган халқлар маданиятига ҳурмат билан қараганлиги, диний мутаассиблик ҳиссиётига берилмаганлиги сабабdir, деб кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам Беруний асарларида улуғ ҳинд халқи маданиятига бўлган чуқур эҳтиром руҳи сезилиб туради.

Ж. Неру Ҳиндистоннинг XVI асрдан то XVIII аср гача қарийб икки аср давом этган маданий юксалиш даврини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ворислари нами билан боғлайди. Шу боисдан, унинг асарларида Темурнинг Ҳиндистонга нисбатан тутган босқинчилик сиёсатига қарши ўлароқ, Бобур ва Акбарнинг мамлакатни бирлаштириш, ободонлаштириш, илм-фанни ривожлантириш йўлида кўрсатган хизматлари таъкидланади.

Ж. Неру улуғ ўзбек шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодининг серқирра фаолиятига алоҳида аҳамият беради. Агар марксистик таълимот асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс Бобур шахсиятига объектив баҳо бериб, унинг истеъодининг турли қирраларини, қобилиятигининг ҳар хил томонларини бутун муз-

ракабликлари билан кўрсата билган, ижтимоий-сиёсий фаолияти жанг жадаллар билан марказлашган давлат



4-расм. Ж. Неру Самарқандда.

тузишга қаратилганигина² қайд этган бўлсалар уларга ҳамоҳанг равишда Ж. Неру ҳам бу хусусда қизиқ маълумотлар келтиради. У Бобур ижодини таҳлил қиласар

² К. Маркс ва Ф. Энгельснинг Бобур ҳақидаги фикрлари М. Олимовнинг «Маркс, Энгельс Бобур ҳақида» мақоласида батифсил ёритилган. Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 17 февраль.

экан, ўз руҳига яқин бўлган ғояларни учратади: «Шуниси диққатга сазоворки, Ҳиндистонга келган вақтида мамлакат майда хонликларга бўлинганилигига қарамай, Бобур уни бир бутун деб билди. Ҳиндистоннинг бирлиги ҳақидаги бу юксак ғоя унинг бутун тарихи давомида сақланиб қолди». «Шунингдек, 1526 йилда Бобур Деҳлида заиф ва манфур афғон сultonни устидан галаба қозониши натижасида Ҳиндистонда янги давр ва янги империя — «Мўғуллар империяси» даври бошланган. Уларнинг (бобурийларнинг — А. И.) ҳукмронлик даври 1526 йилдан 1707 йилгача, яъни 181 йилни ўз ичига олган. Бу, Ҳиндистондаги Буюк мўғуллар ҳақидаги овози Осиё ва Европага тарқалган шону шавкат даври бўлди», — деб ёзди Неру.

Ж. Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобур шахсияти, фаолиятини қисқа ва аниқ таърифлайди: «Бобур жозибадор шахс бўлиб, уйғониш даврига хос ҳукмдор сифатида жасур ва уддабурон эди... У аждодлари каби оммадан ажralиб қолган ва диний мутаассибликка берилмаган. Бобур саиъат ва адабиётга қизиқиб, ўзи ҳам форс тилида шеърлар битарди». Китобда Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеалар эслатилади ҳамда Ж. Неру Бобурнинг Ҳиндистонни ободонлаштиришга бўлган интилишларини алоҳида таъкидлайди: «Бобур кўп вақтини ҳарбий юришларга ва Агра шаҳрини ажойиб пойтахтга айлантириш учун олиб борилаётган қурилиш ишларига бағишилар, бунинг учун ҳатто константинополлик машҳур меъмор хизматидан ҳам фойдаланар эди».

Ж. Неру Бобурни зийрак тадқиқотчи-олим сифатида ҳам қадрлайди. У К. Маркс бебаҳо тарихий манба сифатида қадрлаган Бобурнинг «Бобурнома» асарини юқори тарихий ва бадиий қийматга эга асар деб билади. Ж. Неру «Бобурнома»ни Ҳиндистон ва Афғонистон турмуши ва табиати ҳақида кўп хабарларга эга бўлган, Бобурнинг ҳарбий юришлари тўғрисидаги хотиралари акс эттирилган асаргини деб билмасдан, балки зукко, теран фикр соҳиби бўлмиш Бобурнинг улкан маънавий дунёсига назар ташлашга имкон берувчи асар деб ҳам баҳолайди.

Ж. Неру ўз асарларида Бобурийлар давлатининг яна бир йирик намояндаси, Ҳиндистонда 50 йил ҳукмронлик қилган Жамолиддин Муҳаммад Акбарни ҳам одил ҳукмдор деб таърифлайди. Үнинг саркардалик маҳорати, низоларни урушсиз муросаю-мадора билан ҳал

қилишга интилганлиги, диний қарама-қаршиликларни бартараф этишга уринганлиги, ўз атрофига фозилу до-нишманд кишиларни тўплаб, кўп китобларни санскрит тилидан форс тилига таржима қилдирганлиги каби қа-тор фазилатлари хусусида фикр юритади.

Шундай қилиб, Ж. Неру мутафаккир ва олим сифа-тида Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Бобур сингари Ўрта Осиё донишмандларининг қадимги ҳинд маданияти, Ҳиндистон маданияти ютуқлари тарихини ўрганиш соҳасидаги улкан хизматларини чуқур ва ҳар тарафлама муфассал ёритган. Демак, Ж. Нерунинг иж-тимоий-сиёсий, фалсафий фикрлари шаклланишида Ўр-та Осиё мутафаккирларининг илғор қарашлари сези-ларли таъсир кўрсатганлиги шак-шубҳасиздир.

ЖАВОҲИРЛАЪЛ НЕРУ ИСЛОМ ДИНИ ҲАҚИДА

Кейинги йилларда хорижий Шарқ мамлакатларида-ги ижтимоий ҳаракатларнинг аксарияти ислом шиор-лари остида ўтаётган бир даврда Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам ислом ақидалари ўзинга хос ўрин тутмоқда.

Маълумки, Ҳиндистон дунёда энг кўп миллатли мам-лакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда турли тиллар-да сўзлашувчи юзлаб миллатлар, элатлар ва қабила группалари яшайдилар. Уларнинг диний эътиқоди ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Асосан урду тилида сўзла-шувчи ҳинд мусулмонлари мамлакатнинг бутун терри-ториясига тарқалган бўлиб, турли миллатлар орасида яшайдилар.

Ҳинд мусулмонларининг сони 72 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг 90 фоизи асосан ханафийлик мазҳаби-га мансуб суннийлардир. Қолган 10 фоизини эса шо-фийлик, воҳобийлик, аҳмадий ва бошқа мазҳабларга мансуб мусумонлар ташкил этади.

Ҳиндистондаги мусулмонлар асосан, регионал ва умуми ҳинд аҳамиятига эга бўлган қўйидаги диний жамиятлар, партиялар ва ташкилотларга бирлашган-лар: Ҳиндистон ислом жамияти, Муслим мажлис, Итти-ход-ил муслимин, Ҳиндистон мусулмонлар иттифоқи, Жамиат-и улемо-и- ҳинд, Жамият-и исломи-и-ҳинд ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган йирик мусулмон иттифоқлари. Жумладан, Муслим мажлис-и мушавварат (Мусулмонларнинг маслаҳат берувчи) комитети, Мусул-монларнинг миллий фронти, Алигарх мусулмон универ-ситети. Юқорида тилга олинган мусулмон ташкилотла-

ри орасида энг эътиборлиси 1948 йил ташкил этилган «Жамиат-и исломи-и- ҳинд»дир.

Ҳиндистондаги айрим шаҳарлар, регионлар, штатлар ва умуман мамлакат миқёсида катта нуфузга эга бўлган ушбу мусулмон жамиатлари антидемократик ислом динининг бошқа динлардан устунилиги ҳақидаги тарғиботлари билан ҳинду ва мусулмон диний жамоалари орасидаги муносабатларни қескинлаштирумоядадар. Шу шароитда Ҳиндистон ҳукумати, Миллий Конгресси ва коммунистлар партиясининг диний жамоаларга, айниқса индуизм ва ислом динига нисбатан оқилона сиёсат юргизиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий аҳволининг барқарорлигини таъминлайди. Бундай тўғри сиёсат, ўз навбатида, ислом тарихини, анъаналарини ва расмурсларини яхши билиб, мусулмон жамоаларига нисбатан моҳирлик билан ҳаққоний сиёсат юргизишни талаб этади. Бу ўринда Ҳиндистоннинг таникли мутафаккири, етук сиёсий арбоби ва биринчи Бош министри Жавоҳирлаъл Нерунинг ислом дини ҳақидаги фикрлари дастуриламал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жавоҳирлаъл Неру ўзининг «Жаҳон тарихига на-зар», «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», «Автобиография» асарлари ва қатор нутқларида ислом динининг мамлакатга ва унинг миллий маданият тараққиётiga кўрсатган таъсири, бу диннинг Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги мавқеи хусусида сўз юритади. Шу аснода қайд қилиб ўтиш керакки, Ж. Нерунинг умуман динга бўлган муносабати алоҳида мазмун касб этади. У дин ва унинг жамиятга бўлган таъсирининг айрим томонларини танқид қиласи, бироқ шу билан бир қаторда диннинг маълум бир тарихий даврларда башарият маданиятида ўзига хос роль ўйнаганини таъкидлайди.

У ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида бу хусусда бебаҳо фикрлар билдирган: «Дин,— деб ёзди Неру,— индуизм, ислом, буддизм ёки христианлик бўлмасин, ҳатто мутафаккирлар эътиқод қилган ва тан олган шаклда бўлса ҳам мени ўзига жалб қила олмади. У менга хурофотлар ва доктриник эътиқодлар билан чамбарчас боғланган бўлиб кўринди, диннинг ҳаёт муаммоларига ёндошиши эса илмий асосда эмаслиги равшан эди. Динда қандайдир илоҳий нотанқидий ишониш, гайритабийликка эътиқод бор эди. Шундай бўлсада, дин инсон қалбининг нозик чуқур ҳис этиладиган ички эҳтиёжига жавоб беради. Шу сабабли, дунёдаги жуда кўпчилик кишилар, у ёки бу диний эъти-

қодсиз яшай олмайдилар. Дин кўпгина ажойиб кишиларни яратди, аммо шу билан бирга талайгина фанатик, маҳдуд бешафқат золимларни ҳам келтириб чиқарди. У инсон ҳаётига кўпгина маънавий бойликлар кирилди, гарчи ана шу бойликларнинг баъзи бирлари ҳозирги кунда ўзининг аҳамиятини йўқотган ёки ҳатто зарарли бўлиб қолган бўлса-да, бошқалари аввалгидек ахлоқ ва одобнинг пойдеворини ташкил этади».

Ж. Неру ҳарлаъл Нерунинг ислом динига нисбатан қарашларининг шаклланишида табийики, оиласи мудит, таълим-тарбия масалалари муҳим роль ўйнаган. Ҳиндистоннинг шимолидан, асли Кашмирдан бўлган Нерулар оиласи у ерда мавжуд мусулмонлар ва ислом ташкилотларининг ғоялари билан яқиндан таниш бўлган.

Ж. Неру ёшлигиданоқ мусулмон мамлакатлари тарихи ва маданиятидан хабардор бўлган. У ўз асарларида ислом динининг пайдо бўлиши, араб ҳарбий юришлари давомида унинг тарқалиши ва Шарқ мамлакатлари тараққиётининг турли босқичларида унинг бу ерларга кириб келганлигини ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берган.

Ж. Неру араб лашкарларининг Ҳиндистонга ҳужум қўлганликларининг баъзи тафсилотларини ўз асарида қўйидагича баён қилган: «710 йилда — деб ёзди у, 17 ёшлик Муҳаммад иби Қосим исмлик йигит араб лашкарига қўмондонлик қилгани ҳолда шарқий Панжобдаги Ҳинд водийсидан Мултонгача бўлган ерларни босиб олган. Шу ерга келиб, Ҳиндистоннинг араблар томонидан забт этилиши маълум муддатга тўхтатилган... Араблар Ҳиндистонни бутунлай забт эта олмаганлар. Улар Синдгача келиб, юришини тўхтатгандар. Араблар Ҳиндистонга кучли таъсири кўрсата олмаганлар. Ҳиндистонга ислом динини киритгандар... бу дин Ҳиндистон тараққиёти ва ижодий изланишлари учун туртки бўлган».

Ж. Неру ислом динининг Ҳиндистон тараққиёти учун янги рағбатлантирувчи омил бўлганлигини эътироф этиб, шу билан бир қаторда унинг таъсири янада самаралироқ бўлишида икки нарса: биринчидан, Маҳмуд Фазнавий истилоси ва босқинчилклари натижасида ислом динининг куч билан киритилганлиги, иккинчидан, бу дин пайдо бўлганига тўрт аср бўлишига қарамай ўзининг илк давридаги рационализм ва дин эркинлиги хусусиятини йўқотиб, маънавий тушкунликка юз тутган даврда кириб келганлиги тўсқинлик қилганини кўрсатади.

Албатта, бундай таъриф масалани маълум даражада соддалаштириш ва идеаллаштиришдан иборатдири, чунки тўрт аср давомида ислом дини шаклаш ўзгарган бўлсада, моҳиятан ўзгартмаган.

Шунингдек, у ислом динининг Ҳиндистонда тарқалиши ва якка худога сифинишнинг тарғиб этилиши на-тижасида ҳинд халқини асрлар давомида ҳақоратлаб, эзиз келган кастачилик тузуми емирила бошлаганини айтиб ўтади ва ислом динининг халқ томонидан қисқа вақт ичидаги қабул қилинишипнг сабаби ҳам ана шундадир деб кўрсатади. Ислом дини томонидан тарғиб этилган биродарлик ва бу динга эргашувчиларнинг назарий жиҳатдан тенглиги ҳақидаги ғоялар кўп кишиларни, айниқса, тенглик ҳуқуқидан умуман маҳрум бўлган ҳиндларни ўзига жалб этарди. Шу ғоялар таъсири остида динларни бирлаштиришга интилган турли ҳаракатлар вужудга келди.

Бироқ ўша даврдаги ислом пешволари, биринчи навбатда, ҳукмрон феодаллар табақасига хизмат қилишни ва уларнинг бошқа табақаларга нисбатан устунлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар. Шу сабабли, улар ҳиндуларнинг кастачилик тузумидаги кўпгина томонларини сақлаб қолганлар.

Ислом дини Ҳиндистонга тарқалганидан кейин кўп вақт ўтмай мусулмон истилочилари маҳаллий аҳоли орасида эътиборли юқори касталар («шариф зот») сифатида танилганлар. Бу касталар мусулмонларнинг миллатига қараб қўйидагича тақсимланган: араблар — саид ва шайхлар, турклар — мўғуллар, афғонлар³ эса патанлар деб аталган.

Маълумки, кўп вақт ўтмай юқори касталарга мусулмонлардан ташқари маҳаллий феодаллар ҳам киритилган. Жумладан, юқори ҳинд касталари ҳисобланган саид, шайх, мўғулларга ислом динини қабул қилган маҳаллий аҳоли ҳам кира бошлаган ва аксинча, мусулмонлар орасида қўйи касталар («ажлоф зот») га мансуб кишилар ҳам пайдо бўла бошлаган.

Ҳиндистонга келган мусулмонлар орасида кастачиликни қоралаб, уни исломнинг илк давридаги софлиги га хилоф эканлигини таъкидловчи гуруҳлар ҳам мавжуд эди. Бундай гуруҳ тарафдорлари ҳиндулар ораси-

³ Жавоҳирлаъл Неру 1192 йилда афғонистонлик ҳукмдор Шаҳобиддиннинг шимолий Ҳиндистонни истило этиши натижасида бу ерда кейинги бир ярим аср давомида ислом дини ҳукмронлик қўнганини ҳақида қизиқ маълумотлар келтирган. Қаранг: Неру Ж. Ҳиндистоннинг кашф этилиши. Москва, 1955, 248-бет.

да ҳам бор эди. Ж. Неру бундай янги ғояларни юқори баҳолаган: «...бу янги тенденциялар таъсири бутун Ҳиндистон бўйлаб сезилар эди, янги ғоялар эса кишиларни тўлқинлантиради... Бу тенденциялар онгли равишда динлар синтезини тарғиб қилувчи ва қастачилик системасини қоралаб, уни инкор этувчи янги типдаги ислочотчиларни вужудга келтирди».

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Ж. Неру фикрича бу янги ғоялар ҳиндуизмга таъсири кўрсатган. Умуман олганда, ҳиндуизм исломнинг яккахудолик ғоялари таъсирида бўлган, ҳиндуларнинг мавҳум пантеистик қарашлари эса мусулмонларга таъсири кўрсатган. Бу ҳинду мусулмонларининг аксарияти эски анъаналар руҳида тарбияланган, унинг таъсиридан қутула олмаган, ислом динини эндиғина қабул қиласан ҳиндулардан иборат бўлган. Мусулмонларнинг оз қисминигина ташқаридан (бошқа мамлакатлардан — А. Й.) кириб келганлар ташкил қиласан. Ҳиндистонда пайдо бўлиши неополитизм таълимоти билан боғлиқ бўлган деб эҳтимол қилинган мусулмон мистицизми ва сўфизм ҳам ривожлана бошлаган.

Ҳиндистонда буддизм ва ҳиндуизм таъсирида шаклланган сўфизм таълимоти ҳинд мистицизми бўлган йоглар таълимотига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлгани сабабли ҳам ҳинд халқининг кенг оммаси орасида тезда обрў-эътибор қозонган.

Сўфизмдаги авлиёлар қабрига сифиниш одати камбағал мусулмонларни Маккага ҳаж қилиш мажбуриятидан халос этар эди. Халқ ривоят, латифалари сингдирилган сирли ва шу вақтнинг ўзида жозибали адабиёти эса эзилган омма орасида кенг тарқалиб, сўфизм таълимотининг мавқеини кучайтирган.

Ж. Неру босқинчилик ва талон-торожлик юришлари ҳақида ҳам фикр юритиб, Чингизхон ва Амир Темурнинг Ҳиндистонда қиласан босқинчиликларини ваҳшийлик деб баҳолади. У Чингизхоннинг ислом динига алоқаси йўқлигини, унинг сиёсати фақат бащарият маданияти дурдоналарини вайрон қилишдан иборат бўлганигини, ёвуздикда Темур Чинизхондан ҳам ўтганлигини таърифлайди. Бироқ айни шу темурийлардан бўлган Ҳиндистоннинг Буюк мўфуллар суноласига асос солган, ўртаосиёлик Ҳиндистон подшохи Муҳаммад Заҳириддин Бобурни бекиёс, улкан истеъдод эгаси деб билади.

Неру Бобур ҳукмронлик қиласан даврда у бошқа динларга нисбатан ҳурмат билан қараганлигини, бу эса мамлакат иқтисодий-сиёсий юксалишига ижобий

таъсир қылғанлигиппі таъкидлайди. Үннің фикричә, умуман, Буюк мұғуллар сулоласи даврида шаҳарлар-нинг ҳусни таровати ортган, масжид, мадраса ва бошқа диний ишоотлар қурилған, санъат, архитектура ва маданият ривожланған.

Кейинроқ ўзаро урушлар иатижасыда заифлашиб қолған Ҳиндистонни бирлаштиришга бўлған интилиш шу сулола подшоҳларидан бири Акбарнинг амалга оширган диний ислоҳотларида намоён бўлди,— дейди Неру.

Акбар бир неча динларни бирлаштирувчи янги мусулмон дини «дин-и илоҳий»ни ҳинд халқи орасыда тарғиб қилиши билан диний жамоалар ўртасындағы қарама қаршиликларга барҳам беришга интилди. Сўфизм, ислом динидаги турли бидъат, оташпарастлик ва жайнизмнинг айрим тояларини ўзида мужассамлантирган «дин-и илоҳий» таълимоти Акбар ҳукмдорлиги даврида халқ орасыда маълум аҳамият касб этган бўлса-да, кейинчалик ўз таъсир кучини йўқотган.

Жавоҳирлаъл Неру XIX—XX асрлар Ҳиндистонда ислом динининг етуқ мутафаккир, шоир ва адиллари ҳисобланған Мирза Фолиб ва Мұҳаммад Иқболин инглиз мустамлакачилик сиёсатига қарши курашган ҳинд халқининг асл фарзандлари, деб билган.

Ж. Неру Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлик қылған даврда мусулмонлар орасыда мустамлакачилик сиёсатига қарши чиққан, ислоҳотлар тарафдори бўлған кишилар сони кам бўлғанлигини таъкидлайди.

Маълумки, 1947 йилда Ҳиндистон озодликка эришиб ўз мустақиллигини қўлга киритгач, импералистик доиралар уни қайтадан қарам этиш мақсадида турли миллий ва диний жамоалар ўртасында, айниқса, ҳиндуизм ва ислом динига эътиқод қилувчилар орасындағы муносабатларни кескинлаштиришга, жанжал ва низолар чиқаришга уриндилар. Ж. Неру Ҳиндистон республикаси эълон қилинганининг дастлабки кунлариданоқ амалий ва назарий фаолияти билан бундай низоларни бартараф этишга ҳаракат қылған. У 1948 йил октябрь ойида сўзлаган ўз нутқларидан бирида шундай деган эди: «Биз ҳар бир динга эркинлик бериладиган, барча динлар баравар ҳурматланадиган озод секуляристик давлат қурмоқдамиз».

Шу мақсадда, 1961 йилда Жавоҳирлаъл Неру раҳбарлигидан Ҳиндистон миллий интеграцияси совети қошида диний низоларни бартараф этиш доимий комитети ташкил қилинди. Ж. Неру жамоалар орасында ни-

золарни қоралаб: «Диний низо бошқа мамлакатларда мавжуд фашизмнинг турли формаларига ҳайратланарли даражада ўхшашидир. Ўз моҳияти билан бу низо фашизмнинг Ҳиндистондаги кўринишидан иборат»,— деган эди.

Ҳиндистондаги кўп соили диний жамоалар ўртасидаги тўқнашув ва келишмовчиликлар мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатганлигини қўйидагича таърифлайди: «Диний жамоа тўқнашувлари Ҳиндистон учун ҳар қандай ташқи қуролли ҳужумдан хавфлидир».

Шундай қилиб, Жавоҳирлаъл Неру Ҳиндистон тарихининг турли даврларида ҳар хил шаклда намоёни бўлган ислом динини бутун мураккаблигича изчиллик билан кўрсатишга интилди. У ўзининг қатор асарларидаги ислом дини маълум тарихий даврларда босқинчилик, талон-торож ва қотиллик рамзи бўлганлигини ифодаласа, бошқа даврларда эса бу дин сиёсий-иқтисодий шароитлар қамровида ихтиёрсиз равишда илм-фан, санъат ва адабиётнинг ривожланишида туртки бўлгани хусусида фикр юритади.

Фан-техника юксак ривожланиши даражасига етган ҳозирги даврда эса ислом дини бошқа динлар қатори Ҳиндистон тараққиётига тўсқинлик қилаётганлигини, диний жамоалар орасида тўқнашувлар келтириб чиқарётганлигини надомат билан қайд этиб, бу жамоаларни бирлашган ҳолда тинч-тотув яшашга чорлайди.

ХУЛОСА

Жавоҳирлаъл Нерунинг бой, кўп қиррали давлат ва сиёсий арбоб, етук мутафаккир, файласуф ва тарихчи сифатидаги сермазмун ҳаёт йўлига умуман назар ташлаб, қўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

Болалигидан илму донишга ташна бўлган Ж. Неруватанининг қадимий тарихи ва буюк фалсафасини ўрганди. Кейинроқ Англияда бўлган вақтида ғарб фалсафаси ва тарихи билан танишиди. XX аср бошларида дунёда сидир бўлаётган барча сиёсий воқеаларга зўр қизиқниш билан қаради. Англияда ўқишини тугатиб, ўз она юртига қайтгач, Ҳиндистон иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги адолатсизликларга қарши унда исён руҳи уйғонди. Натижада куч ишлатмаслик сиёсати ёрдамида инглиз мустамлакачиларни Ҳиндистон ҳукуматидан четлатиб, маълум муддат ўтгач, Ҳиндистон мустақиллигини қўлга киритишга интилган Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясига аъзо бўлди.

1920—1940 йилларда шу партиянинг раҳбарлик лавозимларида ишлаб антиимпериалистик, миллий-озодлик ҳаракатини авж олдирди. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида юриб, аҳолини озодлик учун курашга чорлади. Шу даврда жаҳонда биринчи ишчи-дехқонлар хокимияти ўрнатилган Совет Иттифоқида юз берадётган ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатди. Қизи Илдира Гандининг ёзишича, Жавоҳирлаъл Неру 1927 йил Совет Иттифоқига биринчи бор сафар қилган вақтида у ерда кўрганлари унинг хотирасида чўкур таассурот қолдирған. Марксизм таълимости ҳам Ж. Нерунинг серкірра, мураккаб дунёқарашида салмоқли ўрини эгалаган.

Жавоҳирлаъл Нерунинг ва умуман ҳинд халқининг Ҳиндистонда олиб борган мустақиллик учун кураши бутун дунёдаги халқларнинг колониал тузумга қарши миллий-озодлик ҳаракатининг бир бўлаги эди.

Узоқ давом этган миллий-озодлик ҳаракатининг адолатли натижаси ўлароқ, Ҳиндистон мустақиллиги

қўлга киритилгач, Жавоҳирлаъл Неру кўп тажриба ортирган давлат арбоби сифатида мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри этиб тайинланди ва шу лавозимда умрининг охирига қадар 17 йил давомида давлатни бошқарди. Ана шу йиллар мобайнида у мамлакатнинг иқтисодий мавқенини мустаҳкамлаш учун беш йилликлар асосида туб ўзгаришларни амалга оширеди. Ж. Неру бу ўзгаришлар билан халқлар ўргасидаги тинчликни мустаҳкамлаш иши чамбарчас боғланган деб билди.

Ж. Неру мамлакат халқ хўжалигини қолоқлиқдан халос этиш чора-ю тадбирлари ҳақида фикр юритар экан, социализм гоялари қашшоқлиқдан қутулишда энг таъсирчан куч бўла олишини таъкидлади. Бироқ Ж. Неру марксча-ленинча социализм таълимотининг тўлалигича туб моҳиятини чуқур англаб ета олмади.

Ж. Неру дунёқараши ва сиёсий фаолиятини баҳолаганда бирёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди, чунки унинг серқирига, мураккаб дунёқарашишининг шаклланишида марксизм-ленинзм таълимоти ҳам, капитализм ривожланишининг қонуниятлари ҳам ўз аксини топган. Унинг дунёқарашида материалистик тенденциялар билан бирга дунёни диний тушуниш элементлари, марксизм-ленинзмдан олинган диалектика ҳамда қадимий хинд фалсафа мактабларига хос айъаналарни кўрамиз. Шунингдек, у Ўрта Осиё мутафаккирлари маданий месроси билан ҳам яқиндан таниш бўлган. Ж. Неру гарчанд кўп масалаларни ҳал қилишда гандизмдан илгарилаб кетган бўлса-да, аммо гандизм таъсиридан қутула олмади. Бир сўз билан айтганда, Ж. Неру дунёқараши эклектик характерга эга бўлган.

Ж. Неру даврида ҳам, ундан кейин ҳам, Ҳиндистон капиталистик тараққиёт йўлидан ривожланаётган бўлса ҳам, лекин буюк инсонпарвар, адолатсизлик, миллий истибдоднинг барча кўринишларининг ашаддий душманни бўлган бу улуғ инсон ва мутафаккириning яратувчилик ролини инкор этиб бўлмайди. Ж. Неру фақатгина Ҳиндистонга мансуб эмас, у умуман башарият ифтихорига лойиқdir. Сабаби, Жавоҳирлаъл Неруининг номи ҳозирги халқаро муносабатларининг ўринатилиши ҳамда қўшилмаслик ҳаракатининг ташкил этилиши ва фаолияти, тинч-тотув яшаш сиёсати билан чамбарчас боғланган.

Социализм гояларига мойил бўлган Ж. Неру биринчи социалистик давлат — Совет Иттилоқига нисбатан дўстона муносабатда бўлган. Советлар мамлакати-

нинг эришган мұваффақиятлари ҳақида ҳурмат билан гапирған ва СССР билан яқын иқтисодий, маданий ҳамкорлик тарафдори бўлган.

Ж. Неру вафотидан кейин у бошлаб берган Совет-Ҳиндистон дўстлиги ўз самараларини берди ва бермоқда. Ҳиндистонда Совет Иттифоқи ёрдами билан 80 дан ортиқ обьектлар қурилди ва қурилмоқда. Бхилаи ва Бокародаги металлургия заводлари, Хардвардаги оғир электр ускуналари заводи ва Ранчадаги оғир машинасозлик заводи, Обра, Корба, Нейвели, Бхакрдаги электростанциялар, Барауни, Койяли, Матхур, Мадрасдаги нефтни қайта ишлаш корхоналари, Ришикетдаги антибиотиклар ва Ҳайдарободдаги химиявий-фармацевтика препаратлари фабрикалари, Амклешвардаги нефть конлари шулар жумласидандир.

Совет Иттифоқи эса Ҳиндистондан чой, қаҳва, тамаки, ошланган тери, ин-газлама, қаламнир, шаффофф минерал, пойабзал, жун буюмлари ва бошқа молларни харид қиласди. Совет-Ҳиндистон илмий техникавий ҳамкорлиги, маданият, соғлиқни сақлаш, маориф, оммавий ахборот воситалари, спорт соҳасидаги ҳамкорлик тобора катта аҳамият касб этмоқда.

1987—1988 йилларда Ҳиндистонда ўтказилган СССР фестивали ва СССРда ўтказилган Ҳиндистон фестивали иккала мамлакат халқлари ўргасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлики мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Шуниси қувонарлеки, совет-ҳинд дўстона муносабатларини мустаҳкамлашда Ўзбекистоннинг ҳам улушти катта. Республиkanинг деярли барча йирик корхоналари Ҳиндистонга ўз маҳсулотини: компрессорлар, химиявий аппаратлар, тўқимачилик ва пахта териш машиналари, тракторлар, радиоламиналар, ярим ўтказгичли приборлар, самолёт ва трубомашиналар учун эҳтиёт қисмлар, бактериал ва вирусли препаратлар ҳамда кўпгина бошқа маҳсулотлар юборади.

Ҳиндистоннинг уч штати — Тамилнаду, Мадхъя прадеш ва Уттар прадешда электростанциялар қуришда Ўзбекистон техникавий ёрдам кўрсатди. Бхилаи металлургия заводини ускуналашда 400 дан ортиқ совет заводлари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг 28 корхонаси қатнашди. Улар Бхилаинга 500 минг тоннадан зиёд турли ускуналар юбордилар. Ранчидаги оғир машинасозлик, Дургапурдаги кон-шахта ускуналари заводларини қуришда ва ишга туширишда ҳам республикамиз вакилларининг хизмати катта.

Ҳиндистондан келган кўплаб мутахассис ва ишчилар

Ўзбекистон олий ўқув юртлари, заводлари ва корхоналари лабораторияларида тайёргарлик ва ишлаб чиқариш практикасини ўтайдилар ва ўтамоқдалар.

Республика деҳқонлари ва чорвадорлари тажрибасини ўрганиш учун Ўзбекистонга ҳинд олимлари келиб туради.

Ҳиндистон ҳам ўз навбатида Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд ва Бухорода улкан меҳмонхоналар бунёд этмоқда. Ўзбекистон билан савдо алоқалари йил сайин кенгаймоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Жавоҳирлаъл Неру бошлаб берган бу дўстлик кундан-кунга ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Худлас, Жавоҳирлаъл Неру жуда ҳам мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. У Ҳиндистоннинг миллӣй бирлигини мустаҳкамлаш йўлида миллӣй ва диний адоватларга чек қўйишга қаратган ўз фаолияти, сиёсати билан Ҳиндистонда кастачилик системаси, диний жамоалардан холи бўлган мустақил, кучли Ҳиндистон давлатиши барпо этишга интилган демократ эди.